

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ**

Қўлёзма ҳуқуқида
УДК 336.581.339.3 (584.4)

РАҲМОНОВА САРВИНОЗ ФАХРИДДИН ҚИЗИ

**Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида тўғридан-тўғри
хорижий инвестицияларни жалб қилиш ва уларнинг мамлакат
иқтисодиётига таъсири**

5A230102 - Иқтисодиёт
(тармоқлар ва соҳалар бўйича)
мутахассислиги бўйича

магистр академик даражасини олиш
учун ёзилган диссертация

Илмий раҳбар:
и.ф.н., доц. Толаметова З.А.

Тошкент-2014

М У Н Д А Р И Ж А:

	КИРИШ	3
I-БОБ	ИҚТИСОДИЁТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ ШАРОИТИДА ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИ ЖАЛБ ҚИЛИШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ	
1.1.	Инвестиция тушунчасининг иқтисодий моҳияти.....	9
1.2.	Тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилишнинг назарий асослари.....	17
1.3.	Миллий иқтисодиётга хорижий инвестицияларни жалб этишнинг ҳуқуқий-институционал асослари.....	26
II-БОБ	ЎЗБЕКИСТОН ИҚТИСОДИЁТИГА ТЎҒРИДАН-ТЎҒРИ ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИ ЖАЛБ ЭТИШ АМАЛИЁТИ	
2.1.	Ўзбекистондаги инвестицион муҳит ва унинг таҳлили.....	36
2.2.	Тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг таркиби ва ривожланиш динамикаси.....	53
2.3.	Тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг мамлакат иқтисодиётига таъсири (“Навоий” ЭИИЗ мисолида).....	59
III- БОБ	ИҚТИСОДИЁТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ ШАРОИТИДА ТЎҒРИДАН-ТЎҒРИ ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИ ЖАЛБ ҚИЛИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛЛАРИ	
3.1.	Хорижий инвесторлар фаолиятини рағбатлантириш тизимини такомиллаштириш йўллари.....	59
3.2.	Мамлакат иқтисодиётини юксалтиришда тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар жалб қилишни жадаллаштириш йўналишлари.....	69
	ХУЛОСА.....	80
	ҲОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.....	84

КИРИШ

Диссертация мавзусининг долзарблиги. Миллий иқтисодиётни жадал ривожлантиришда замонавий илғор техника ва технологиялар асосида ишлаб чиқаришни ташкил қилиш долзарб аҳамият касб этади. Ушбу вазифани самарали ҳал этиш учун эса иқтисодиётга инвестицияларни жалб этиш талаб қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримов ушбу вазифаларнинг мамлакатимиз иқтисодий тараққиёти учун нечоғлик муҳим аҳамият касб этишини қуйидагича таъкидлайди: “Сармоясиз тараққиёт йўқ, ишлаб чиқаришни ва умуман, мамлакатимизни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилашни инвестицияларсиз тасаввур этиб бўлмайди¹”. Статистик маълумотларга кўра, 2013 йилда жалб этилаётган инвестицияларнинг асосий қисми – яъни 70 фоиздан ортиғи, биринчи навбатда, ишлаб чиқариш объектларини қуришга йўналтирилди. Янги замонавий ускуналар харид қилишга сарфланган инвестициялар улуши эса қарийб 40 фоизни ташкил этди. Ўзлаштирилган умумий капитал қўйилмалар ҳажмининг 3 миллиард доллардан ортиғини хорижий инвестициялар ташкил этди. Шунинг 72 фоиздан зиёдини тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ташкил этди.

Маълумки, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар бошқа турдаги маблағларга нисбатан анча барқарор инвестиция манбаи ҳисобланиб, улар қисқа муддатли спекулятив характерга эга бўлган капитал оқимларидан фарқли ўлароқ узоқ муддатли капитал қўйилмаларга бўлган талабни қондиришда муҳим аҳамият касб этади.

Шу билан бирга, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлик даражасини оширади ва мамлакатнинг халқаро меҳнат тақсимоотида ўз ўрнини топишида, унинг жаҳон иқтисодий тизимига интеграциялашувида ҳамда ташқи савдо айланмасининг

¹ Президент Ислон Каримовнинг 2013 йилнинг асосий йқунлари ва 2014 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи, 2014 йил 18 январь.

юксалишида ва экспорт салоҳияти янада ривожланишида ижобий омил бўлиб хизмат қилади. Бундан ташқари, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг кириб келиши ва улар иштирокидаги корхоналарнинг фаол иш олиб бориши «ноу-хау», янги технологиялар, янги иш ўринларининг яратилиши, маҳаллий саноат ва хом ашё маҳсулотларига бўлган талабнинг ортиши, шунингдек, мазкур корхоналарда меҳнат қилаётган ишчилар турмуш даражасининг яхшиланиши билан боғлиқ қатор ижобий ўзгаришларга олиб келиши мумкин.

Тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари. Диссертация ишининг мақсади иқтисодиётни модернизациялаш шароитида тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилишни фаоллаштиришга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат. Ушбу мақсадга эришиш учун кўйидаги вазифалар белгилаб олинди:

- Инвестиция иқтисодий категориясини моҳиятини илмий-назарий жиҳатдан ёритиб бериш;
- тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этиш ва улардан фойдаланишнинг назарий асосларини тадқиқ этиш;
- иқтисодиётни модернизациялаш жараёнида тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг аҳамиятини очиб бериш;
- тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этиш ва улардан самарали фойдаланишни рағбатлантирувчи омилларни ўрганиш;
- Тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг таркиби ва ривожланиш динамикасини таҳлил қилиш;
- Эркин иқтисодий зоналарнинг мамлакат иқтисодиётига хорижий инвестицияларни жалб қилишдаги ўрни ва уларнинг иқтисодиётни барқарор ривожланишини таъминлашдаги ўрнини тадқиқ этиш;
- иқтисодиётни модернизациялаш шароитида иқтисодиётга тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этишни такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқот объекти ва предметининг белгиланиши. Ўзбекистон иқтисодиётига жалб этилган тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар, хусусан, хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар фаолияти ушбу диссертация тадқиқотининг объекти ҳисобланади. Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида миллий иқтисодиётга тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этиш ва уларнинг мамлакат иқтисодиётига таъсир қилиш жараёнлари, хусусиятлари мазкур тадқиқотнинг предмети бўлиб хизмат қилади.

Тадқиқотнинг асосий масалалари ва фаразлари. Республика минтақаларига хорижий инвестицияларни жалб этиш механизмини такомиллаштириш ва уларнинг салмоғини янада ошириш орқали уларнинг табиий-иқтисодий салоҳиятидан унумли фойдаланиш ва мамлакат иқтисодиётини ривожлантириш мумкин.

Мавзу бўйича қисқача адабиётлар таҳлили. Тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиниши ва улар иштирокида ташкил этилган корхоналар фаолиятининг турли жиҳатлари қатор чет эллик ва мамлакатимиз иқтисодчи олимларининг илмий ишларида ўз аксини топган. Тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этиш ва улардан самарали фойдаланишнинг назарий асослари шакллантирилишида Р.Вернон, С.Х.Хаймер, Ч.П.Киндльбергер, Ф.Т.Книккербокер, Э.М.Грэм, П.Баккли, М.Кассон, М.Э.Портер, К.Кожима, Ж.Х.Даннинг² каби етакчи хорижий олимлар ҳиссаси катта. Тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг ўтиш даври иқтисодиёти мамлакатлари билан боғлиқ хусусиятларини ўрганишга қаратилган тадқиқотлардан Х.П.Ланкес, К.Мейер, Д.Холланд, Р.Баррел, Л.Кркоска, Х.Томанн, Н.Фабри, С.Зигни, К.Козлов, Д.Манаенков, К.Юдаева, М.Верниковларнинг³ илмий ишларини келтириш лозим.

² Vernon R. International trade and international investment in the product cycle // The quarterly journal of economics. – Harvard, 1966. – Volume 83. No.1. – pp. 190-207;

³ Lankes H.P., Venables A.J. Foreign direct investment in economic transition: the changing pattern of investments // The economics of transition. - London, 1996. – Volume 4, No. 2. - pp. 331–347; Krkosa L. FDI financing of capital formation in Central and Eastern Europe. – London: EBRD working paper No. 67, 2001. - 20 p.; Томанн Х. Прямые иностранные инвестиции в переходный период экономики. – Берлин, 2004. – 16 с;

Ўзбекистон Республикаси ўз инвестиция сиёсатини юритиш ва мамлакатда қулай инвестиция муҳитини вужудга келтириш борасидаги ислохотлар илмий асосда амалга оширилмоқда. Инвестиция сиёсатининг устувор йўналишлари, инвестиция муҳитини шакллантириш бўйича илмий-амалий тавсиялар, мамлакат иқтисодиётига хорижий инвестицияларнинг таъсири мамлакатимиз Президенти И.А.Каримовнинг асарларида батафсил ёритиб берилган. Шунингдек, инвестицион муҳит ва хорижий инвестицияларга оид республика олимларининг қатор асарлари мавжуд. Чунончи, А.Ўлмасов, А.В.Вахабов, Д.Ғ.Ғозибеков, А.В.Ваҳобов, А.С.Жўраев, Х.Э.Амонов, Н.Н.Расулов, Н.Қўзиева ва бошқа олимларнинг илмий ишларида мамлакат иқтисодиётига хорижий инвестицияларни жалб этиш ва улардан фойдаланиш муаммолари ўрганилган⁴.

Тадқиқотда қўлланилган услубларнинг қисқача тавсифи. Тадқиқотда иқтисодий-статистик таҳлил, статистик гуруҳлаш, таққослаш, картографик, прогнозлаш каби усуллардан фойдаланилди.

Тадқиқот натижаларининг назарий ва амалий аҳамияти. Диссертация ишининг назарий аҳамияти “Иқтисодиёт назарияси” фани доирасида мамлакат табиий-иқтисодий салоҳиятидан самарали фойдаланишда хорижий инвестицияларни жалб этишнинг илмий-назарий асослари ва имкониятлари ўрганилганлигида намоён бўлади. Тошкент минтақаси шаҳар ва туманларнинг иқтисодий ривожланишдаги ўзига хос хусусиятлари ва номутаносибликларни инобатга олган ҳолда хорижий инвестицияларни самарали жалб этишнинг стратегик ва истиқболли йўналишлари белгилаб олинганлиги изланишнинг амалий аҳамиятини

⁴ О'лмасов А., Ваҳобов А. Иқтисодийот назарияси. Олий о'қув yurtlari uchun darslik. - Т.: SHARQ, 2006. -445 б.; Вахабов А.В., Ҳажибакиев Ш.Х. Иностранные инвестиции и модернизация национальной экономики. Учебное пособие. -Т.: 2011; Вахабов А.В., Ҳажибакиев Ш.Х., Муминов Н.Ғ. Хорижий инвестициялар. Ўқув қўлланма.- Т.: “Молия”, 2010. - 328 б.; Ғозибеков Д.Ғ. Инвестицияларни молиялаштириш масалалари.-Т.: “МОЛИЯ”,2003. - 331 б.; Жўраев А.С., Хўжамкулов Д.Ю., Маматов Б.С. Инвестиция лойиҳалари таҳлили. Ўқув қўлланма. - Т.: Шарқ, 2003. - 256 б.; Амонов Х.Э. Привлечение иностранных инвестиций в условиях приватизации: Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата экономических наук. - Т.:Банковско-Финансовой Академии, 2002. -20 с.; Расулов Н.Н. Стимулирование привлечения иностранных инвестиций в экономику Узбекистана. - Т.: Фан, 2003. - 170 с.; Кузиева Н. Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар молия ва кредит механизмини такомиллаштириш йўналишлари. Монография. - Т.: “IQTISOD-MOLIYA”, 2006. -296 б.

белгилаб беради. Шу билан бирга, иқтисодиётига хорижий инвестицияларни жалб этишнинг асосий йўналишларини аниқлашга доир услубий ёндашув тавсия этилганлиги ҳам илмий-амалий аҳамиятга эга.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги. Диссертациянинг илмий янгилиги шундан иборатки, унда иқтисодиётни модернизациялаш шароитида миллий иқтисодиётга тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этиш ва улардан фойдаланишнинг самарадорлигини оширишга қаратилган ҳамда илмий жиҳатдан асосланган назарий қоидалар ва амалий тавсиялар мажмуи ишлаб чиқилган бўлиб, улар қуйидагиларда ўз ифодасини топади:

- иқтисодий адабиётларда тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этиш ва улардан фойдаланишга доир мавжуд назарий қарашлар умумлаштирилган,

- ҳозирги иқтисодий ва тузилмавий ўзгаришлар жараёнида миллий иқтисодиётга жалб этилган тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар мажмуавий таҳлил қилинган;

- тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этиш ва улардан самарали фойдаланишни рағбатлантирувчи омиллар ўрганилган,

Диссертация таркибининг қисқача тавсифи. Диссертациянинг таркиби кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Тадқиқот ҳажми 114 бетдан иборат бўлиб, 3 та расм ва 5 та жадвалдан ташкил топган.

Диссертациянинг кириш қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги, унинг мақсади ва вазифалари, объекти, предмети, ўрганилганлик даражаси, илмий янгилиги ва амалий аҳамияти асосланган.

Диссертациянинг **биринчи боби** “Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида хорижий инвестицияларни жалб қилишнинг назарий ва ҳуқуқий асослари” деб номланиб, унда тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилишнинг назарий ва ҳуқуқий асослари ўрганилган.

Иккинчи боб “Ўзбекистон иқтисодиётига тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этиш амалиёти” деб номланган. Мазкур бобда

Ўзбекистонда инвестицион сиёсат ва муҳити ўрганилган. Тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг таркиби ва ривожланиш динамикаси таҳлил қилинган.

Тадқиқотнинг **учинчи боби** эса “Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилишни такомиллаштириш йўллари” деб номланган. Унда Хорижий инвесторлар фаолиятини рағбатлантириш тизимини такомиллаштиришнинг мамлакат иқтисодиётига таъсири ҳамда иқтисодиётга тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этишнинг устувор йўналишлари асослаб берилган.

Ишнинг **хулоса** қисмида илмий тадқиқот натижалари умумлаштирилиб, келажакда тадқиқ этилиши ва бажарилиши лозим бўлган асосий фикр ва мулоҳазалар, илмий таклиф ҳамда амалий тавсиялар келтирилган.

I-БОБ. ИҚТИСОДИЁТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ ШАРОИТИДА ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИ ЖАЛБ ҚИЛИШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

1.1. Инвестиция тушунчасининг иқтисодий моҳияти

Мамлакатимизда инвестиция муҳитини янада яхшилаш, хусусийлаштириш орқали ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник жиҳатдан қайта жиҳозлаш ва реконструкция қилиш, республикамизнинг ортиқча ишчи кучи мавжуд бўлган минтақаларида янги иш жойларини яратиш дастурларини амалга оширишга тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни кенг жалб этиш, шунингдек, хорижий инвесторлар учун ишончли ҳуқуқий ҳимоя ва кафолатларни таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Инвестициялар деганда барча турдаги миллий ва интеллектуал бойликлар тушунилиб, улар тадбиркорлик фаолияти объектларига йўналтирилиб даромад келтириши ёки бирор-бир ижобий самарага эришиши зарур.

Турли иқтисодий фанлар ҳамда амалий фаолият йўналишларида инвестициялашнинг мақсади, молиялаштириш манбалари, тармоқ йўналиши, объекти ва бошқа жиҳатларига қараб турлича талқин берилади. Ж.Кейнс инвестицияларни “ушбу даврда топилган даромаднинг истеъмомга ишлатилмаган қисми” деб таърифлайди⁵. Айрим иқтисодчилар томонидан “инвестициялар даромад (фойда) олиш ҳамда ижобий ижтимоий самарага эришиш мақсадида тадбиркорлик объектларига ва бошқа фаолият турларига солинадиган пул маблағлари, мақсадли омонатлар, акциялар, бошқа турдаги қимматли қўғозлар, технологиялар, машиналар, ускуналар, лицензиялар, ҳар қандай бошқа мол-мулк ёки мулкый ҳуқуқлардир” деган таъриф берилади.

Иқтисодий категория сифатида инвестициялар қуйидагича таснифланади:

⁵ Кейнс Дж. Общая теория занятости, процента и денег. - М.: Прогресс, 1978. - 117 б.

- Бирламчи жамғарилган капитални кўпайтириш мақсадида капитални тадбиркорлик объектларига жойлаштириш;

- Инвестицион лойиҳаларни амалга ошириш жараёнида инвестиция фаолияти иштирокчилари ўртасида вужудга келадиган иқтисодий муносабатлари.

Инвестициялар капитал қўйилмалар шаклида ҳам амалга оширилади, ҳамда ўзидаги янги қурилишларига, кенгайтиришга, реконструкцияга ва фаолият кўрсатаётган корхоналарни техник қайта жиҳозлашга, ускуналар, инвентарлар, лойиҳавий маҳсулотлар сотиб олишга сарф-харажатларни мужассамлаштиради. Иқтисодий фанлар ва амалиёт «инвестиция» ва «капитал қўйилма» терминларини бир хил тушунча эмаслигини, яъни синоним сўзлар эмаслигини таъкидлайди. Инвестициялар капитал қўйилмага нисбатан кенг мазмунли, қамровли тушунчадир. Ғарб адабиётларида инвестициялар борасида сўз юритилганда асосий эътибор фонд бозорига қаратилади, чунки ривожланган мамлакатларда инвестициялар асосан қимматли қоғозлар ёрдамида амалга оширилади.

У.Шарп инвестицияларга қуйидагича таъриф беради: «Реал инвестициялар асосан моддий активларга (ер, ускуналар, заводлар) қилинган инвестициялардир. Молиявий инвестициялар бу қоғозда битилган шартномалардир. Буларга оддий акциялар ва облигациялар киради. Ривожланаётган иқтисодиётда инвестицияларнинг асосий қисми реал инвестицияларга тегишлидир. Ривожланган иқтисодиётда эса инвестицияларнинг асосий қисми молиявий инвестициялаш институтларининг кенг миқёсида ривожланиши реал инвестицияларнинг ўсишига сабабчи бўлади. Инвестицияларнинг бу икки шакли бир-бири билан рақобатлашувчи эмас, балки бир-бирини тўлдирувчидир».

Инвестиция тушунчаси ягона ва тўлиқ тушунча беришлик учун анчагина кенг бўлиб ҳисобланади. Иқтисодий фаннинг турли қисмларида ва амалий фаолиятнинг турли соҳаларида инвестиция мазмуни ўзининг хусусиятларига эга.

Макроиктисодиётда инвестициялар ишлаб чиқаришда янги воситаларга, турар-жойларга инвестициялар ва моддий захираларининг ўсишига қилинадиган харажатлардан ташкил топадиган ялпи харажатларнинг бир қисми ҳисобланади. Инвестициялар – бу жорий даврда истеъмол қилинмаган ва иқтисодиётда капитал ўсишини таъминловчи ЯИМ нинг бир қисмидир.

Ҳозирги замон молия назарияси нуктаи назаридан инвестицияларнинг иқтисодий мазмуни ва моҳиятини очиқ бериш, уларнинг энг муҳим сифат тавсифларини аниқлаш ғоят долзарб масала ҳисобланади.

Молия бозорларининг фаолияти қонуниятлари ва қимматли қоғозларни баҳолаш тўғрисидаги фан сифатида шаклланган бу назария соф келтирилган қийматнинг фундаментал концепциялари, узоқ муддатли активларни баҳолаш моделлари, капиталларнинг самарали бозорлари, бойликларнинг жамланиб бориши ва қийматнинг сақланиш қонуни, опционлар назарияси ва моҳиятини аниқ очиқ бериш учун пул оқимларининг замонавий ва бўлажак қийматларидан келиб чиққан ҳолда таҳлил олиб бориш мақсадга мувофиқдир. Ҳозирги даврда «инвестициялар» тушунчаси аксарият ҳолларда кенг маънода ишлатилмоқда. Иқтисод фанларининг турли тармоқларида, амалий фаолиятнинг турли йўналишларида инвестициялашнинг мақсадлари, ҳаракатлар йўналиши, соҳалар хусусиятлари, сафарбар этилиш объектлари, ҳаракат йўналишларидан келиб чиқиб ва аҳамиятига қараб «инвестициялар» тушунчаси ўзига хос маънода ишлатилади. Молия нуктаи назаридан уларнинг мазмун ва моҳиятини аниқ белгилаш муҳим вазифа ҳисобланади. Фақат капитални йўқотиш rischi мавжуд бўлган пул шаклидаги инвестициялар янги активларни вужудга келтиради. Инвестицияларнинг мулкӣ шаклидаги моддий ва номоддий неъматлар ва уларга бўлган ҳуқуқларни иқтисодий ва бошқа фаолиятларга жалб этиш эса, бизнинг фикримизча, ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш соҳаларида, инвестициялар эвазига барпо этилган активларни ишлатишдан далолат беради. Молия назариясига кўра, инвестициялар бўлажак натижаларни қўлга киритиш мақсадида, моҳиятан ҳозирги харажатларни билдиради.

«Инвестициялар» атамаси лотин тилидаги «invest» сўзидан келиб чиққан бўлиб «қўйиш», «маблағни сафарбар этиш» маъносини беради. Кенг маънода инвестициялар кўпайтириб қайтариб олиш мақсадларида капитални боғлашни билдиради. Кўпгина ҳолларда «инвестициялар» тушунчаси иқтисодий ва бошқа фаолият объектларига киритиладиган моддий ва номоддий неъматлар ҳамда уларга доир ҳуқуқлар тарзида таърифланади. «Чет эл инвестициялари» тушунчасига таъриф беришда ҳам худди шу маъно назарда тутилади, лекин бу ўринда уларнинг қонуний ҳуқуқлилиги ва мақсадига кўпроқ урғу берилади.

Ўзбекистон Республикасининг «Чет эл инвестициялари тўғрисида»ги қонунида Ўзбекистон Республикаси ҳудудида чет эллик инвесторлар томонидан қонун ҳужжатларига зид бўлмаган тадбиркорлик ва бошқа фаолият турлари объектларига аксарият фойда (даромад) олиш мақсадларида киритиладиган моддий ва номоддий неъматлар ҳамда уларга доир ҳуқуқларнинг жами турлари, шу жумладан, интеллектуал мулкка бўлган ҳуқуқлар, шунингдек чет эл инвестицияларидан олинадиган ҳар қандай даромад чет эл инвестициялари ҳисобланади.

Бу ўринда шуни таъкидлаш жоизки, инвестицияларнинг ҳаракатидан келиб чиқиб замон ва маконнинг алмаштирилиши ва ўзга иқтисодиётга кириб бориши намоён бўлади. Инвестицияларнинг турли шаклларда ўзга иқтисодиётларга кириб бориши янгидан инвестиция фаолиятини йўлга қўйишда, уларнинг тури ва шаклларида қатъи назар, янгитдан сафарбар этилишини ва боғланишини билдиради. Миллий иқтисодиёт четдан қўйилма сифатида чет эл капиталини унинг турли шаклларида (пул, товар, мулкый ҳуқуқ, интеллектуал мулк ва бошқалар) қабул қилиши мумкин.

Ишлаб чиқариш назарияси ва умуман макроиқтисодиётда инвестициялар янги капитални (ишлаб чиқариш воситаларини ҳамда инсон капиталини қўшиб ҳисобланганда) яратиш жараёнидир.

Молия назариясида эса инвестиция деганда реал ёки молиявий активларни олишни тушунилади, яъни бугунги сарфларни мақсади

келажакда даромад олиш бўлиб ҳисобланади. Бошқача сўз билан айтганда, инвестициялар – муайян қийматни, бўлиши ноаниқроқ бўлган келажак қийматга алмашишдир.

Бугунги кунда «Инвестициялар» тушунчасининг маъносини англаш, унинг моҳиятини тўғри таҳлил қилиш муҳим аҳамиятга эга. Инвестицияларнинг ўсиш суръатлари кўп омилларга боғлиқ. Авваламбор инвестициялар ҳажми олинган даромадни истеъмол ва жамғармага тақсимланишига боғлиқ. Аҳолини ўртача даромади паст бўлган ҳолда уларнинг асосий қисми (70-80%) истеъмолга сарфланади. Аҳоли даромадларини ўсиб бориши жамғаришга юбориладиган қисмни ортиб боришига сабаб бўлади. Умумий даромадда жамғариш улушининг ортиб бориши инвестициялар ҳажмини ўсишига олиб келади, ва аксинча. Аммо бу шарт аҳолини давлатга ишончи юқори бўлганда, давлат фуқароларнинг инвестицион фаоллигини таъминлаганда ва кафолатлаганда бажарилади. Инвестициялар ҳажмига кутилаётган даромад нормаси ҳам таъсир кўрсатади, чунки кўрилаётган фойда инвестициялашга ундайди. Кутилаётган фойда нормаси қанчалик юқори бўлса, инвестициялаш ҳажми шунчалик юқори бўлади, ва аксинча.

Инвестициялар ҳажмига ссуда фоизи ставкаси катта таъсир кўрсатади, чунки инвестициялаш жараёнида қарзга олинган маблағларидан ҳам фойдаланилади. Агар кутилаётган соф фойда нормаси ўртача ссуда фоизи ставкасидан юқори бўлса бу қўйилмалар инвестор учун даромадлидир. Шунинг учун ўртача фоиз ставкасини ўсиши инвестициялаш жараёнини сусайишига олиб келади.

Инвестициялар ҳажмига кутилаётган инфляция суръатлари ҳам ўз таъсирини ўтказди. Бу кўрсаткич қанчалик юқори бўлса инвесторнинг келажакдаги фойдаси шунчалик қадрсизланади ва инвестицияларни рағбатлантирувчи омиллар қисқариб боради.

Инвестициялар турли шаклларда амалга оширилади ва уларни таҳлил қилиш, режалаштириш учун алоҳида хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда гуруҳлаштирилади.

Биринчидан, қўйилиш объектига қараб инвестициялар реал ва молиявий шаклларга ажратилади.

Реал инвестициялар (капитал қўйилмалар) – пул маблағларини корхонанинг моддий ва номоддий активларига сарфланишидан иборат.

Моддий инвестициялар асосий капиталнинг элементларини сотиб олиш билан боғлиқ бўлиб, кўпчилик ҳолларда инвестицион лойиҳалар доирасида амалга оширилади. Шунинг учун шахсий маблағлар билан бирга қарзга олинган маблағлар ҳам фойдаланилиши мумкин. Қарзга маблағ олинган ҳолда инвестор ролини аниқ лойиҳаларга кредит маблағлари ажратаётган банк бажаради. Номоддий инвестициялар номоддий бойликлар яратилаётганда амалга оширилиб, кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлашга, илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишларини амалга ошириш, янги маҳсулотларнинг намуналарини яратишга сарфларни мужассамлаштиради.

Фан-техника тараққиётини тезлашуви билан интеллектуал салоҳият ишлаб чиқаришни энг кучли омилига айланди, унинг жиддий унсури бўлиб қолди. XX аср бошларида фан ишлаб чиқариш кучларини ривожлантириш учун сарфланадиган қўйилмалар ошиб боради. Шунинг учун ҳам жаҳонда реал инвестициялар таркибида илмий изланишлар, фан, таълим, кадрлар тайёрлаш учун сарфланадиган харажатлар ўсиб бормокда. Масалан, АҚШ, Япония ва бошқа ривожланган мамлакатларда фан ва илмий изланишга сарфланадиган қўйилмалар ўсиш суръатлари асосий фондларга сарфланадиган инвестициялардан устундир. Жаҳон бозорига кириб бориш, кенг кўламда маркетингни ривожлантириш, батафсил ахборотга эга бўлиш, юқори даражадаги компьютер тизимларини ташкил этишни, юқори малакали, рақобатбардош кадрлар тайёрлаш ва мазкўр соҳада дунёдаги ривожланган давлатлар даражасига эришишни талаб этади. Шунинг учун ҳам жадал суръатлар билан ривожланиш реал инвестициялар таркибида фан,

техника, таълим, кадрларни қайта тайёрлаш учун сарфланадиган реал инвестициялар асосий ўринлардан бирини эгаллаши зарур.

Асосий фондларга сарфланган реал инвестициялар мақсади сарфланиш йўналишлари ва бошқа кўрсаткичларга кўра ҳудудлараро, тармоқлараро, технологик, қайта ишлаб чиқариш таркибларига эга. Асосий фондларга сарфланган инвестицияларни, уларнинг актив (машиналар, асбоб-ускуналар) ва пассив (бино, иншоотлар) қисмларини ташкил этиш учун сарфланган умумий ҳаракат йиғиндисидagi улуши инвестицияларнинг технологик таркибини ташкил этади.

Қайта ишлаб чиқариш таркиби инвестицияларнинг қандай мақсадларга йўналтирилганлиги; янги қурилишга, ишлаб турган корхоналарни кенгайтиришга, реконструкцияга ва янги техника билан қайта қурулантиришга жалб қилинган харажатларни умумий харажатлардаги ҳар бирининг нисбий жиҳатдан улушини кўрсатади. Инвестицияларнинг ҳудудлараро ва тармақлараро таркиби эса уларнинг нисбий жиҳатдан ҳудудлар ва тармоқлар бўйича тақсимотини билдиради.

Ривожланган мамлакатларда реал инвестицияларнинг асосий қисмини шахсий инвестициялар ташкил этади. Давлат секторида реал инвестициялар сарфи муҳим аҳамиятга эга. Иқтисодий мувофиқлаштириш сиёсати асосида кредитлар, субсидиялар ажратилади, давлат капитал қўйилмалари мувозанатлаштирилади ва реал инвестициялар ўзлаштирилади.

Давлат томонидан ўзлаштириладиган инвестициялар. Дастлабки бозор инфратузилмасини ва у билан боғлиқ бўлган тармоқларни ривожлантиришга сарфланади. Инвестицияларни самарадорлигини ошириш асосий капитални актив элементларини вужудга келтириш ва ўстириш ҳисобига амалга оширилади.

Реал инвестицияларни тавсифномалаш уларни ҳажми ва даромад меъёрлари асосида олиб борилади. Инвестициялар ҳажми ўзлаштириладиган қўйилмалар қийматини ифодалайди, инвестициялар миқдори эса уларнинг ҳажмини ЯММга ёки ЯИМга бўлган нисбатини ифодалайди. Инфляция

юқори ва чуқурлашган даврда эса айтилган кўрсаткичларга унинг таъсири тўғридан-тўғри бўлади. Инвестиция меъёри ишлаб чиқарилган ЯИМ ёки ЯММ қанчалик капитал сиғимкорлигини, яъни қай даражада капитал харажатларини талаб қилинишини билдиради. Жамғариш самараси капитал сиғимкорлигини ўсиши коэффициентлари асосида аниқланади.

Миллий иқтисодиётни ривожлантиришда инвестиция лойиҳаларини амалга оширишнинг аҳамияти бениҳоя катта бўлиб, у қуйидагилар билан изоҳланади:

- биринчидан, хорижий инвестициялар ишлаб чиқаришга замонавий техника ва технологияларни жорий этиб, экспортга мўлжалланган маҳсулотларни ишлаб чиқаришни ривожлантиради;
- иккинчидан, ўрнини босувчи товар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш ва бунинг учун хорижий инвестицияларни иқтисодиётнинг устувор соҳаларига йўналтириш ва пировардида аҳолининг меъёридаги турмуш даражасини таъминлаш имконини яратади;
- учинчидан, кичик бизнесни ривожлантириш ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини жадаллаштириш орқали ўсиб бораётган аҳолини иш жойлари билан таъминлайди;
- тўртинчидан, корхоналарнинг эскирган ишлаб чиқариш қувватларини, моддий-техника базасини янгилайди ва техник қайта куллантиради;
- бешинчидан, табиий ресурсларни қайта ишловчи корхоналарни барпо этишга кўмаклашади ва ҳ. к.

Инвестициялар, аввало, устувор тармоқларга, яъни нефть ва химия саноати, транспорт, энергетика, ер ости қазилма бойликларини ишлаб чиқаришга, қурилиш, телекоммуникация тармоқларига, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқаришга ва уларни кенг қайта ишлашга, туризм соҳаларини ривожлантиришга қаратилиши лозим.

Жаҳон иқтисодиёти тажрибасидан хориж капиталини, хусусан тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш инвестициялашда энг самарали восита эканлиги маълум. Айнан чет эл инвестициялари мамлакатда

иқтисодий ва технологик янгиланиш жараёнини ҳаракатлантирувчи омил бўлиб хизмат қилади.

1.2. Тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилишни назарий асослари

Иқтисодиётда юқори технологияларга асосланган янги корхона ва ишлаб чиқариш тармоқларини шакллантириш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва техник янгилашда тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар (ТТХИ)ни жалб қилиш ва улардан оқилона фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга. Дарҳақиқат, Президент И.А.Каримов таъкидлаганидек, “Биз оддий бир ҳақиқатни доимо эсда тутишимиз даркор. Яъни сармоясиз тараққиёт йўқ, ишлаб чиқаришни ва умуман, мамлакатимизни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилашни инвестицияларсиз тасаввур этиб бўлмайди”⁶.

Тўғридан-тўғри хорижий инвестиция бу трансчегаравий инвестицияларнинг шундай турики, унда бир иқтисодиётдаги резидент бошқа иқтисодиётдаги резидент корхонага инвестиция киритиши унинг бошқарувини назорат қилиш ёки унга салмоқли таъсир кўрсатиш имкониятини беради. Бунда бошқарувни назорат қилиш учун корхонанинг камида 50 фоиз овоз бериш ҳуқуқи, унга салмоқли таъсир кўрсатиш учун эса 10-50 фоиз овоз бериш ҳуқуқи талаб қилинади. БМТнинг Савдо ва ривожланиш ташкилотининг 1999 йилдаги Жаҳон инвестиция ҳисоботида айтилишича эса ТТХИ бу бир иқтисодиётдаги резидент бирликнинг (хорижий инвестор ёки бош корхона) бошқа иқтисодиётдаги резидент корхонага узоқ муддатли алоқа, давомли манфаат ва назоратни кўзлаб киритган инвестициясидир.

⁶ Каримов И.А. Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. –Т.: “Ўзбекистон”, 2010. 57-бет

Хорижий инвестициялар қўшма корхоналарда ўз ҳиссаси билан катнашиб, хорижий инвесторларга тўлиқ тегишли бўлган корхоналарни яратиш, хусусийлаштиришда катнашиш, хорижий шериклар билан банк тузиш, қимматбаҳо қоғозларни сотиб олиши, ер ва бошқа табиий ресурслардан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлиши, эркин иқтисодий ҳудудларда фаолият олиб боришлари мумкин.

Мақсадига кўра, хорижий инвестициялар бевосита ва портфель инвестицияларга бўлинади. Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар (ТТХИ) – бу капитални тўғридан-тўғри экспорти бўлиб, инвестиция киритувчига шу корхона устидан назорат қилиш ҳуқуқини беради. Бунда корхона асосий компаниянинг хориждаги шахобчасига айланади. Тўғридан-тўғри хорижий инвестиция (ТТХИ)лар асосан хусусий тадбиркорлик капитали шаклида бўлади.

ТТХИ борасидаги яна бир ёндашув бу турдаги инвестицияларни фақат мулкчилик кўлами билан, яъни акционерлик капиталидаги улуши билан боғлиқ деб кўрсатади. Унга мувофиқ ТТХИларни⁷:

- а) хорижда акцияларни сотиб олиш оркали;
- б) фойдани қайта инвестициялаш ёрдамида;
- в) фирма ички қарзлари ва қарздорликлари оркали амалга ошириш мумкин.

⁷ Вахабов А. ва бошқалар. Хорижий инвестициялар. Ўқув қўлланма. Тошкент, 2009. –Б.59



1.2.1-расм. Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар⁸

ТТХИларнинг шакл ва усулларига боғлиқ тушунчалар билан боғлиқ турли хил ёндашувларнинг кўпайиши катор муаммоларни келтириб чикарди. Бу муаммолар умумбашарий ҳарактерга эга бўлиб, ностандарт ёндашувлар ечимини талаб этади.

ТТХИни инвестор мамлакат нуқтаи назардан горизонтал, вертикал ва конгломератив турларга ажратиш мумкин (Caves 1971). Горизонтал ТТХИ хорижий мамлакатда ўз мамлакатада ишлаб чиқарадиган маҳсулотлар тури билан бир хил маҳсулот ишлаб чиқариш учун йўналтирилган инвестициялардир. Шу сабабли горизонтал ТТХИ учун маҳсулот дифференциацияси бозор тузилмасининг муҳим элементи сифатида қаралади.

⁸ Вахабов А. ва бошқалар. Хорижий инвестициялар. Ўқув қўлланма. Тошкент, 2009. –Б.19

Бошқача айтганда, горизонтал ТТХИ монополистик ёки олигополистик устунликлардан янада тўлиқроқ фойдаланиш учун амалга оширилади. Бу айниқса, монополистик устунликлардан маҳаллий бозорларда фойдаланиш монополияга қарши қонунларга зид келиб қолган ҳолатларда айтиш мумкин. Вертикал ТТХИ эса чет элдаги ҳам ашё материаллардан фойдаланиш ёки дистрибютерлик савдо шохобчалари орқали истеъмолчиларга яқинлашиш мақсадида амалга оширилади. Бунда турли мамлакатлар ишлаб чиқаришнинг турли босқичлари ёки омиллари билан қатнашади. Масалан, узоқ вақт мобайнида АҚШ автомобиль ишлаб чиқарувчилари Япония автомобиль бозорига киришда қийинчиликларга дуч келганлар. Чунки, Япониялик автомобиль диллерлари ўз ишлаб чиқарувчилари билан яқин бизнес алоқаларига киришган ва бу хорижий автомобилларга нисбатан қаршилиқни туғдираётган эди. АҚШ автомобиль диллерлари бу тўсиқни енгиб ўтиш учун Японияда ўз маҳсулотларини сотишда ўз диллерлик тармоқларини очишга киришганлар. Конгломератив ТТХИ эса ўз ичига горизонтал ва вертикал ТТХИ қамраб олади.

Реципиент мамлакат нуқтаи назардан эса ТТХИни импорт ўрнини босувчи, экспортни рағбатлантирувчи ва давлат ташаббуси остидаги турларга ажратиш мумкин. Импорт ўрнини босувчи ТТХИ муайян мамлакатда ушбу мамлакат аввал импорт қилган маҳсулотлар ишлаб чиқариш учун киритилган инвестициялар ҳисобланади ва бу мазкур мамлакатнинг ўша маҳсулот бўйича импортини қисқаришига ва инвестор мамлакатнинг эса экспортини камайишига олиб келади. Бу турдаги ТТХИни рағбатлантирувчи асосий омиллар қабул қилувчи мамлакат бозори ҳажмининг катталиги, транспортация харажатлари ва савдо тўсиқларининг мавжудлигидир. Экспортни рағбатлантирувчи ТТХИ эса реципиент мамлакатнинг инвестор мамлакат ва ТМҚ филиаллари жойлашган мамлакатларга ҳам ашё материаллар ва оралиқ маҳсулотлар экспортини рағбатлантиради. Чунки бу турдаги ТТХИ мақсади ишлаб чиқариш учун янги манбалар ва омиллар излаб топишдир. Давлат ташаббуси остидаги ТТХИ

турига ҳукумат тўлов балансидаги дефицитни йўқотиш мақсадида хорижий инвесторларга турли имтиёзлар таклиф қилиш жараёнида жалб қилинган инвестициялар киради.

ТТХИни экспансиявий (expansionary “эгалловчи”) ва ҳимоявий (defensive) турларга ажратиш мумкин. Чен ва Кунинг (Chen and Ku 2000) фикрига кўра экспансиявий ТТХИ реципиент мамлакатда инвестор фирма устунликларидан фойдаланишни кўзда тутди. Бундай турдаги ТТХИ инвестор корхонанинг ички ва ташқи савдосининг ўсишига ёрдам беради. Ҳимоявий ТТХИ эса қабул қилувчи мамлакатда мавжуд арзон ишчи кучидан фойдаланиб ишлаб чиқариш харажатларини камайтиришни мақсад қилиб кўяди. Чен (Chen, 1999) эмпирик тадқиқотларига кўра экспансиявий ТТХИга энг кўп таъсир қиладиган омиллар фирма ҳажми, илмий-техник салоҳияти, рентабеллик ва технология кабилар ҳисобланади. Ҳимоявий ТТХИга эса ишлаб чиқариш харажатларини камайтириш билан боғлиқ мотивлар салмоқли таъсир кўрсатади.

ТТХИ уч хил шаклга эга бўлиши мумкин: гринфилд (нолдан бошланувчи) инвестициялар, трансчегаравий бирлашиш ва ютиб юборишлар (M&As) ва қўшма корхоналар. Гринфилд инвестициялар инвестор фирма реципиент мамлакат ҳудудида янги ишлаб чиқариш фаолиятини бошлаш билан амалга оширилади. Бу эса инвестиция қабул қилувчи мамлакат учун янги иш ўринларини яратиши ва ишлаб чиқаришда янги қўшилган қийматни шакллантиргани сабабли маъқул ҳисобланади. Агар хорижий инвестор янги корхона очмасдан мавжуд корхонани сотиб олиб ундаги ишлаб чиқариш техника ва технологиясини, ишчиларини ва бутун жараённи деярли бутунлай янгиласа бундай ТТХИ “браунфилд инвестициялар” дейилади. Бундай ТТХИ тури асосан ўтиш иқтисодиёти мамлакатларида кўп кузатилган (Meyer and Estrin, 1998). ТТХИнинг корхоналарнинг халқаро даражада ўзаро бирлашиши ва ютиб юбориши (M&As) натижасида келиб чиқади. ТТХИнинг бу тури хорижий инвесторлар учун гринфилд инвестицияларга қараганда бир қанча устунликларга эга бўлиши мумкин. Масалан, муваффақиятсизликка учраган

инвестиция лойиҳалари одатда инвестор учун арзонга тушади ва инвесторнинг бозорга қисқа муддатда кириб олишини таъминлайди.

Кўпчилик ривожланаётган ва ўтиш иқтисодиёти мамлакатларида ТТХИ асосан ресурс изловчи характерга эга бўлади. Бу турдаги инвестициялар учун рағбатлантирувчи омиллар сифатида реципиент мамлакатларнинг хом-ашё ва меҳнат ресурсларига бойлигини келтириш мумкин. Ушбу мамлакатларда нефть, газ, минерал моддалар, металллар каби табиий бойликларнинг кўплиги ва арзонлиги ҳамда арзон ишчи кучи мавжудлиги ресурс изловчи инвестициялар жалб қилишни рағбатлантиради. Бундай турдаги инвестициялаш натижасида ишлаб чиқарилган маҳсулотлар эса асосан экспорт қилинади.

Бозор изловчи ТТХИ эса муайян мамлакат ёки минтақа истеъмол бозорларини эгаллашни мақсад қилиб кўяди. Бу турдаги инвестицияларни киритувчи корхоналар одатда ўз маҳсулотларига бўлган жорий ёки келгуси талабга жавобан уй хўжаликлари учун зарур истеъмол ва саноат маҳсулотларини ишлаб чиқаради. Бозор изловчи ТТХИ кўпинча ҳимояловчи характерга эга бўлиб, корхоналар томонидан қабул қилувчи мамлакатдаги импорт тўсиқларини айланиб ўтиш мақсадида амалга оширилади. Бу турдаги инвестициялар олиб кирувчи инвестор учун реципиент мамлакатдаги либерал савдо сиёсати муҳим аҳамият касб этади.

Самара изловчи ТТХИ харажатлар паст бўлган реципиент мамлакатдаги арзончиликдан фойдаланиш учун амалга оширилади. Ишлаб чиқариш харажатларининг камайиши эса инвестор корхоналар самарадорлигини оширишга хизмат қилади. Масалан, кредит карта компаниясининг АҚШлик миждозлар учун Ҳиндистонда чақирув (кўнғироқ қилиш) марказини очиши ишчилар учун харажатларни камайтиради ва самара изловчи ТТХИ сифатида эътироф этилади.

Стратегик восита изловчи ТТХИ қачонки корхоналар ўзларининг узок муддатли стратегик мақсадларини амалга ошириш учун хорижий мамлакатга инвестиция киритганда юзага келади. Масалан, ўзаро манфаатли илмий-

тадқиқот ва конструкторлик ишларини ҳамкорликда амалга ошириш учун трансмиллий корхона чет эл мамлакатадаги бошқа корхона билан бирлашма шакллантириши мумкин. ТТХИни уларни рағбатлантирувчи омиллар бўйича юқоридагидек ресурс, бозор, самара ва стратегик восита изловчи турларга бўлиниши Ж.Даннинг назарияларига асосланади.

Энди эса ТТХИ бўйича асосий назариялар келиб чиқишига эътиборни қаратамиз. Р.Вернон (1966 й.) Халқаро товар ишлаб чиқариш назариясида ТТХИ ва халқаро савдо ўртасидаги муносабат, товарнинг ҳаётий цикли каби муаммоларга эътиборни қаратади. Ушбу назарияда муаллиф халқаро савдо, ишлаб чиқариш ва бутун тармоқларнинг кўчиш сабаблари каби халқаро иқтисодий муносабатлар элементларини маркетинг назарияси (товарнинг ҳаётий цикли эгри чизиғи) билан бирлаштиради.

Трансмиллий компаниялар ва сушт рақобат назарияси доирасида эса канадалик иқтисодчи Стивен Хаймер (1960 й.) ўз тадқиқотларида трансмиллий компаниялар (ТМК) рақобатдошлиги ва уларнинг халқаро фаолиятини таҳлил қилган. Хорижий инвесторлар учун чет элга ишлаб чиқариш инвестицияларини киритиш ички бозорда ишлаб чиқаришни ташкил этишдан кўра кўпроқ рисклар ва харажатларни келтириб чиқаради. Аммо улар хорижий бозорлардаги рақобатнинг номукамаллиги ва суштлигидан фойдаланадилар.

Ф.Т.Никкербоккер (1973 й.) Олигополия ва тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар назариясида олигополистик тузилмалар ва тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ўртасидаги муносабатни тадқиқ қилди. Унинг 20 йил мобайнида 187 та Америка компанияларининг халқаро фаолиятини ўрганиш натижаси шуни кўрсатдики, олигополистик тармоқларда миллий рақобатчилар беихтиёр бозор етакчилари орқасидан эргашадилар. Бу эргашаиш стратегияси 45 фоиз ҳолатда биринчи инвестициялаш вақтидан бошлаб 3 йил давомида кузатилган, 75 фоиз ҳолатда эса 7 йил давомида кузатилган (12). Х.Грем (1978 й.) ушбу моделни Европа трансмиллий компаниялари инвестиция фаолияти характерини тушунтириш орқали янада

такомиллаштирди (13). Унинг аниқлашича, ушбу корпорацияларнинг мақсади АҚШдаги ўзларининг европалик рақобатчилари билан курашиш эмас, балки Европадаги Америка компаниялари стратегияларига қаршилик кўрсатиш бўлган.

П.Баккли ва М.Кассон (1976 й.) Интернализация назариясида интернализация, интеграция ва тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар муаммоларини тадқиқ қилганлар. Интернализация (инг.тилида internalization – компания ичида барча технология ва ноу-хауларнинг бирлашиши) назарияси трансмиллий компаниялар ривожланиши ва уларнинг ТТХИни амалга ошириш мотивларини ўрганади. Бу назарияга кўра компаниялар яхлит ички тузилмага эга бўлган шароитда ўз фаолиятларини кенгайтира оладилар. Шунингдек, ушбу назарияда ундан олдинги назариялар (хусусан, Хаймер, Киндлбергер) асосий эътиборни ишлаб чиқариш функциясига қаратганлиги ва бизнесни халқаро ташкиллаштириш, маркетинг ва бошқарув ресурслари, молиявий менежмент, етакчилик қобилияти, инсон ресурсларини ривожлантириш каби бошқа муҳим афзалликлар эътибордан четда қолганлиги таъкидланади.

К.Акамацу (1938 й.) “Учаётган ғозлар” парадигмасига асос солиб, иқтисодий ривожланиш ва тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг ўзаро таъсирини тадқиқ қилди. Бу иқтисодий ривожланишнинг умумлашган назарияси бўлиб, унга кўра тармоқ ривожланишининг учта босқичи мавжуд. Биринчи босқичда иқтисодиётга маҳсулотлар хорижий ишлаб чиқарувчилардан импорт орқали кириб келади. Иккинчи босқичда эса ўсиб бораётган миллий талабни қондириш учун янги маҳаллий ишлаб чиқариш юзага келади. Учинчи босқичда ортиқча ишлаб чиқарилган маҳсулот янги чет эл бозорларига экспорт қилинади. Бу назария Япониядаги текстил саноатини кузатиш асосида шакллантирилган. Импорт, маҳаллий ишлаб чиқариш ва экспортнинг кетма-кетлик график кўринишда пайдо бўлиши ёввойи ғозлар галасининг шаклланишига ўхшайди. Бундай моделлар

текстиль саноати (ип-газлама ишлаб чиқариш), кечроқ саноат жиҳозлари тармоғида (йигирув машиналари) кузатилган.

Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ва миллатларнинг рақобат устунликлари назариясида М.Портер (1990 й.) тўғридан-тўғри хорижий инвестиция қабул қилувчи мамлакатлар рақобатдошлигини таҳлил қилиб ТТХИ ва рақобатдошлик ўртасидаги боғланишни ўрганди (16). У ўнта саноати ривожланган мамлакатлардаги уларнинг экспортида асосий ўрин эгалловчи юздан ортиқ тармоқлар рақобатдошлигини тадқиқ қилди. Муаллиф трансмиллий компаниялар ва реципиент мамлакатларнинг рақобат устунликлари ўртасидаги динамик таъсирлашувни кўрсатади.

ТТХИ мамлакатимиз иқтисодиётини модернизациялаш ва унинг барқарор ўсишини таъминлаш омили экан, ушбу соҳада олиб борилаётган тадқиқотлар учун муҳим аҳамият касб этадиган унга оид назарий асосларнинг такомиллаштирилиши ва ривожлантирилиши асосий вазифалардан бири бўлиб қолаверади.

Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида Ўзбекистонда ташқи иқтисодий омиллардан самарали фойдаланишга эришиш учун қуйидагиларни амалги ошириш мақсадга мувофиқ:

1. Хорижий инвестицияларни жалб қилишда ички муҳитни яхшилаш, солиқ тизимини соддалаштириш, хорижий инвестицияларни рўйхатга олиш тизимини соддалаштириш.

2. Хорижий сармоядорни қизиқтирувчи соҳалар, объектларни аниқлаш ва улар тўғрисидаги маълумотлар мажмуини шакллантириш, бизнес режалар ва уларни иқтисодий ривожлантириш лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва иқтисодий жиҳатдан манфаатли бўлган соҳаларга чет эл капиталини жалб қилиш.

3. Экспортда қайта ишланган, тайёр маҳсулотлар салмоғини кўпайтириш, айниқса, пахта ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларни қайта ишлашни ошириш ва бу соҳага хорижий инвестицияларни кенг жалб қилиш.

4. Импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ҳамда ишлаб

чиқаришни маҳаллийлаштиришни ривожлантириш учун йирик ишлаб чиқарувчи корхоналар билан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналари билан самарали алоқасини таъминлаш зарур, яъни йирик корхоналарга ярим тайёр маҳсулотлар, бутловчи қисмларни етказиб берувчилари бўлишлари зарур.

5. Чет эл инвесторлари учун қулай инвестицион муҳитни яратиш ва улар учун кафолатли қонунчилик тизимини такомиллаштириш;

6. Олий ўқув юртлари замирида Технопарк (ТП) ва Техно инновацион парклар (ТИП)ни ташкил қилиш. Чунки, улар орқали илм соҳасида эришилаётган ютуқларни амалиётга татбиқ этилиши тезлашади.

7. Экспортга ишлайдиган кичик ва ўрта корхоналарни кўпайтириш ва уларни самарали фаолият юритишлари учун етарли шарт-шароитлар яратиш ва давлат томонидан имтиёзли кредит линиялари ҳажмини ошириш ва ҳ.к.

Бугунги кунда юртимизда фаолият кўрсатаётган корхоналарни жадал модернизация қилиш ва техник қайта жиҳозлашни таъминлаш, юксак технологиялар асосида ишлайдиган автомобилсозлик ва газ-кимё, электр техникаси ва тўқимачилик, озиқ-овқат ва фармацевтика, ахборот ва телекоммуникациялар тармоғи ҳамда бошқа йўналишлардаги янги ва замонавий ишлаб чиқариш қувватларини ташкил этишга қаратилган фаол инвестиция сиёсатини юритишга устувор эътибор берилмоқда.

Бу имтиёзларни беришдан мақсад - хорижий инвестицияларни кўпроқ жалб қилиш орқали иқтисодиётимизнинг реал сектори салоҳиятини ошириш, юртимиз ҳудудларида янги, замонавий технологияларга асосланган ишлаб чиқариш корхоналарини ташкил этиш, янги иш ўринларини кўпайтириш, пировард натижада мамлакатимизни барқарор ва мутаносиб тарзда иқтисодий ва ижтимоий ривожлантиришдир.

1.3. Миллий иқтисодиётга хорижий инвестицияларни жалб этишнинг ҳуқуқий-институционал асослари

Мамлакатимиз иқтисодий тараққиётини барқарорлаштириш, ишлаб чиқариш ва экспорт салоҳиятини кенгайтириш, миллий иқтисодиётимизни жаҳон иқтисодий тизимига интеграциялашувини таъминлаш долзарб масалалардан саналади.

Истиқлол йилларида республикамиз ҳукумати томонидан маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш, аҳолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий жиҳатдан ҳимоялашга йўналтирилган алоҳида амаллар билан бир каторда хорижий инвестицияларни жалб этиш борасида ҳам бир катор чоратадбирлар амалга оширилмоқда.

Хорижий инвестицияларни миллий иқтисодиётимизга жалб этиш ва улар ёрдамида ташкил этиладиган корхоналарнинг фаолиятини йўлга қўйиш юқорида айтиб ўтилган долзарб вазифаларнинг ечимини излаш йўлида қилинадиган муҳим ишлар жумласига киради.

Мамлакатимизнинг барқарор иқтисодий ўсишини, ишлаб чиқариш ва экспорт салоҳиятини мустаҳкамлаш ва кенгайтиришни, миллий иқтисодиётимизни жаҳон ҳўжалиги тизимига интеграцияланашувини таъминлашга, тадбиркорлик субъектлари ҳамда инвесторларга зарур кафолатларни яратиб беришга хизмат қилувчи муҳим лойиҳаларнинг ишлаб чиқиши ва амалга оширилиши, зарур норматив-ҳуқуқий базанинг яратилиши кутилган натижаларни бермоқда.

Бугунги кунга келиб республикамизда хорижий сармоядорларнинг мамлакатимиз ҳудудларида фаолият юритишига доир зарур қонунчилик базаси яратилган. Жумладан, 1998 йилда Ўзбекистон Республикасининг «Хорижий инвестициялар тўғрисида»ги ва «Хорижий инвесторларнинг ҳуқуқлари кафолатлари ва ҳимоялаш чоралари тўғрисида»ги Қонунлари қабул қилинган бўлиб, улар республикамизда хорижий инвесторлар ва улар иштирокидаги корхоналар фаолиятини тартибга солувчи қонуний-меъёрий ҳужжатларнинг қабул қилиниши фикримизнинг далолатидир.

Хорижий инвесторлар учун Ўзбекистонда турли шаклларда инвестицияларни амалга ошириш имконияти яратилган. Ўзбекистон

Республикасининг «Хорижий инвестициялар тўғрисида»ги Қонунининг 6-моддасига асосан чет эллик инвесторлар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналар ташкил этишлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари билан ўзларига берилган барча ҳуқуқлар, кафолатлар ва имтиёزلардан фойдаланишлари мумкин. Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналар деганда акцияларининг (улушлари, пайларининг) ёки устав жамғармасининг камида ўттиз фоизини чет эл инвестициялари ташкил этадиган корхоналар тушунилади.⁹ Улар Ўзбекистон Республикаси ҳукумати томонидан шакллантирилган қонун ҳужжатларига зид келмайдиган ҳар қандай ташкилий-ҳуқуқий шаклларда фаолият кўрсатишлари мумкин. Чет эл инвестициялари иштирокидаги корхона қатнашчиларидан бири чет эллик инвестор бўлиши ҳамда корхона устав капитали миқдори камида 150 000 АҚШ доллари эквивалентида бўлиши талаб этилади. Айрим ҳолларда устав капиталнинг талаб қилинган минимал даражаси миқдори пасайтирилган бўлиб (жумладан, Хоразм вилояти ва Қорақалпоғистон Республикаси учун ушбу талаб 75000 АҚШ доллари миқдорида ўрнатилган), ишчи кучи ортиқча бўлган минтақаларга капитални жалб этишни рағбатлантириш мақсадида қўлланилади.

Шунингдек, чет эл инвестициялари иштирокидаги корхона уни таъсис этиш йўли билан ёки мавжуд (фаолият юритиб турган) корхонада иштирок этиш улушини (пайини, акцияларини) ёхуд бундай корхонани бутунлай, шу жумладан хусусийлаштириш жараёнида чет эллик инвестор томонидан сотиб олиниши натижасида ташкил этилиши мумкин. Таҳлил шуни кўрсатмоқдаки, хорижий инвесторлар Ўзбекистон бозорига кириб келишида ишлаб турган корхонани сотиб олиш амалиёти кўпроқ хусусийлаштириш жараёни билан боғлиқ бўлиб, айрим ҳолларда эса бозорда юқори мавқега (шу жумладан, телекоммуникация, химия саноати ва қурилиш материаллари каби соҳаларда)

⁹ Бундай таъриф давлат томонидан бериладиган солиқ ва божхона тўловлари бўйича имтиёزلарни қўллаш учун ишлатилади.

эга бўлган корхоналарга инвестиция қилиш билан боғлиқ. Чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналарни давлат рўйхатига олиш Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси қонунчилик ҳужжатларида Давлат Ўзбекистон Республикаси ҳудудида чет эллик инвесторлар инвестиция фаолиятини амалга оширишлари чоғида уларнинг барча ҳуқуқлари кафолатланиши ва ҳимоя қилиниши қайд этиб ўтилган. Чет эллик инвесторлар ва чет эл инвестициялари учун адолатли ва тенг ҳуқуқли режим, уларнинг тўлиқ ва доимий ҳимояси ҳамда хавфсизлиги таъминланиши кўрсатилади. Бундай режим Ўзбекистон Республикаси юридик ва жисмоний шахслари томонидан амалга оширилаётган инвестицияларнинг тегишли режимига қараганда ноқулайроқ бўлиши мумкин эмас. Мазкур тартиб алоҳида эътиборга лойиқ бўлиб, хорижий инвесторлар фаолияти учун қулай шароит яратилганлигини кўрсатади. Маълумки, чет эл капитали иштирокидаги корхоналарга алоҳида солиқ, божхона ва бошқа имтиёзлар берилган бўлиб, улар айти пайтда барча бозор иштирокчиларига берилган турли қўшимча имтиёзлардан ҳам фойдаланиш имкониятига эга.

Чет эллик инвесторларнинг Ўзбекистон Республикаси қонунлари билан кафолатланган ҳуқуқлари ва манфаатлари бузилганда уларни тиклаш Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари, шу жумладан халқаро шартномалари билан тартибга солинади. Ўзбекистон Республикасида чет эл инвесторлари фаолиятини ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий асосини мустаҳкамлаш мақсадида 1998 йил 30 апрелдаги «Хорижий инвесторларнинг ҳуқуқлари кафолатлари ва ҳимоялаш чоралари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунида қабул қилинди. Хорижий инвесторлар ҳуқуқларини кафолатлаш тизимининг ишчан механизмини яратиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг 2003 йил 2 майдаги “Тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни ҳуқуқий ҳимоя қилишни кучайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 58-сонли қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги бу борада масъул давлат органи

деб белгиланди ва тегишли равишда унга қўшимча ваколатлар берилди. Хусусан, бошқа ваколатлар билан бир қаторда Адлия вазирлиги чет эл инвесторлари ва бундай инвестициялар иштирокидаги корхоналарга нисбатан назорат қилиш органлари ҳамда маҳаллий ҳокимият ва бошқарув идораларининг инвесторларнинг ҳуқуқларини бузувчи қарорларини тўхтатиб қўшиш ҳамда тегишли давлат ва бошқарув органларига бундай қарорларни бекор қилиш бўйича таклифлар киритиш ҳуқуқи берилган. Бизнинг фикримизча, бундай ёндошув чет эл инвесторлари фаолияти билан боғлиқ муносабатларда қонун устуворлигини таъминлашга ва инвесторлар ҳуқуқларини изчил ҳимоя қилишга қаратилган муҳим омил ҳисобланади.

Ривожланаётган мамлакатларда кенг қўлланилаётган яна бир рағбатлантирувчи чора шундан иборатки, агар мамлакатдаги кейинги қонун ҳужжатлари инвестициялаш шарт-шароитларини ёмонлаштиради, унда чет эллик инвесторларга нисбатан инвестициялаш санасида амал қилган қонун ҳужжатлари инвестициялаш пайтидан бошлаб маълум бир муддатга қўллаш кафолатланади. Ушбу чора Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида ҳам ўз аксини топган бўлиб, хорижий инвесторларга инвестициялаш санасида амал қилган қонун ҳужжатлари инвестициялаш пайтидан бошлаб ўн йил мобайнида қўллаш кафолати берилади. Чет эллик инвестор ўз хоҳишига кўра янги қонун ҳужжатларининг инвестициялаш шарт-шароитларини яхшилайдиган қоидаларини қўллаш ҳуқуқига эгадир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 апрель куни “Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар жалб этилишини рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-4434-сонли Фармони қабул қилинди.

Ушбу Фармонга кўра қиймати 50 миллион АҚШ долларида ошадиган ва хорижий инвесторнинг улуши камида 50 фоиз бўлган инвестиция лойиҳалари доирасида, ишлаб чиқариш майдонидан ташқаридаги зарур ташқи муҳандислик-коммуникация тармоқларини қуриш бюджет маблағлари

ҳамда бошқа ички молиялаштириш манбалари ҳисобидан амалга оширилиши белгилаб қўйилди.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда қулай инвестициявий муҳит шакллантирилди, хорижий инвесторларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича қонун йўли билан кенг қўламдаги имтиёзлар, афзалликлар ва кафолатлар тизими белгиланди.

Натижада республикада иқтисодиётнинг етакчи тармоқлари ва соҳаларида хорижий инвестициялар иштирокида 4,2 мингтадан кўпроқ корхона ташкил қилинди ва муваффақиятли фаолият юритмоқда. Ҳар йили 3,0 миллиарддан кўпроқ асосан тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ўзлаштирилмоқда, мамлакат иқтисодиётига киритилаётган инвестиция умумий ҳажмининг 26,6 фоиздан кўпроғи уларнинг ҳиссасига тўғри келади¹⁰. Бу эса хорижий инвесторларнинг республика иқтисодиёти барқарорлиги ва пишиқ-пухталигига, уни ривожлантириш истиқболларига қизиқиши ҳамда ишончи ортиб бораётганлигидан яққол далолат беради.

Шу билан бирга, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози давом этаётганлиги, жаҳон ва минтақавий инвестиция бозорларида рақобат кучайиб бораётганлиги мамлакатда яна ҳам қулайроқ инвестиция муҳитини яратиш, ишлаб чиқаришларни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш бўйича лойиҳаларни амалга ошириш учун хорижий инвестициялар жалб этилишини рағбатлантириш, шунингдек, хорижий инвесторлар билан ишлашдаги мавжуд бюрократик ғовлар ва тўсиқларни бартараф этиш, хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар фаолиятига давлат ва назорат идоралари томонидан ноқонуний аралашувларга йўл қўймаслик борасида қўшимча чора-тадбирлар қабул қилинишини тақозо этмоқда.

Хорижий инвестициялар иштирокида ташкил этилган корхоналар ўз ҳақ-ҳуқуқларини ҳимояланишига хизмат қилувчи механизмдан оқилона ва ўринли фойдаланишмоқда. Бу эса, ўз навбатида, чет эл инвестицияларини

¹⁰ Мустафакулов Ш., Муродуллаев Н. Мамлакатимиз иқтисодиётини модернизациялашда кенг қўламли инвестиция сиёсати // Биржа-эксперт. №1(73)-2014.

жалб қилиш учун мамлакатимизда қулай шарт-шароитлар яратилганидан, давлатимиз томонидан бу соҳага жиддий эътибор берилаётганидан далолатдир.

Бозор иқтисодиёти ислохотларини чуқурлаштириш, иқтисодиётни эркинлаштириш ва мулк ҳуқуқини ҳимоя қилишни мустаҳкамлашга қаратилган чора-тадбирларнинг амалга оширилиши мамлакатимизда инвестиция муҳитини яхшилаш ҳамда ҳажми тобора ортиб бораётган хорижий инвестицияларни жалб қилишда ижобий таъсир кўрсатади.

Республикаимизда инвестицион сиёсатни амалга ошириш мақсадида ҳар йили инвестицион дастур қабул қилинади. Жумладан, иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни янада чуқурлаштириш, устувор тармоқларга инвестициялар киритиш, корхоналарнинг инвестицион фаолиятини жадаллаштириш, модернизация қилиш ва технологик жиҳатдан қайта қурулантириш дастурларини амалга оширишга хорижий инвестицияларни, энг аввало, тўғридан-тўғри инвестицияларни кенг жалб қилиш, улардан самарали фойдаланиш, янги иш ўринлари яратиш ва шулар асосида республикаимиз иқтисодиётини барқарор ва бир маромда ривожлантиришни таъминлашга қаратилган “Ўзбекистон Республикасининг 2014 йилги Инвестиция дастури тўғрисида”ги Президент Қарори қабул қилинди.

Мамлакатимиз Президенти томонидан 2014 йил 7 апрелда “Ўзбекистон Республикасида инвестиция иқлими ва ишбилармонлик муҳитини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони ҳамда 15 апрелда “Тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш ва давлат хизматларини кўрсатиш билан боғлиқ тартиботларни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилинди.

Президент Фармонида ишбилармонлик муҳитини янада такомиллаштириш, максимал даражада қулай инвестиция иқлимини яратиш, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари фаолиятининг очиқ-ойдинлигини кучайтириш, шу асосда тадбиркорлик фаолиятини юритиш шароитларини

тубдан яхшилаш, янги иш жойларини барпо этиш ва иқтисодиётнинг хусусий секторида аҳоли бандлигини ошириш чоралари кўзда тутилган.

Ушбу ҳужжат билан 2014-2015 йилларда инвестиция иқлими ва ишбилармонлик муҳитини янада яхшилаш, тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришни рағбатлантириш самарадорлигини оширишга оид қўшимча чора-тадбирлар дастури тасдиқланди. Унда олти йўналишдаги вазифалар белгиланган.

Яъни тадбиркорлик субъектлари ва инвесторлар фаолиятини тартибга солувчи қонунчиликни янада такомиллаштириш ва эркинлаштириш, давлат ва маҳаллий бошқарув органларининг тадбиркорлик субъектлари билан ўзаро муносабатларидаги самарани кўпайтириш, ошкоралигини таъминлаш, тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва мувофиқлаштиришнинг институционал тизимини такомиллаштиришда кўзда тутилган. Шунингдек, корпоратив бошқарувни, субъектларни кредитлаш механизмларини ривожлантириш, уларга кўрсатиладиган хизматлар доирасини кенгайтириш, солиқ маъмурчилигини соддалаштириш, сифатни бошқариш стандартларини жорий этиш ва хусусий мулкдорлар ролини ошириш шулар жумласидандир.

Фармонда қайд қилинган вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар, акциядорлик компаниялари, уюшмалар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари бир ой муддатда ўзларининг расмий веб-сайтларида тадбиркорлик субъектлари билан ўзаро муносабатлар масалаларини тартибга солувчи ахборотларни жойлаштириб, кейинчалик уларни доимий равишда янгилаб боришни таъминлашларининг ўзига хос аҳамияти эътироф этилди.

Бундан ташқари, Фармонга кўра, жорий йилнинг 1 июнидан давлат ва хўжалик бошқаруви ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг расмий веб-сайтларида чоп этилмаган уларнинг тадбиркорлик субъектлари билан ўзаро муносабатларини тартибга соладиган меъёрий-ҳуқуқий ва бошқа ҳужжатлар талабларини бузиш ҳолатлари учун тадбиркорлик субъектларига жавобгарлик чораларини қўллаш тақиқланади. Ҳужжатда жорий йилнинг 1 июлидан бошлаб қурилиш материаллари саноати, енгил саноат ва озиқ-овқат

саноатида фаолият олиб бораётган кичик корхоналар ходимларининг йиллик ўртача сони икки баробарга оширилиб, икки юз нафаргача бўлиши ҳам белгиланган.

Умуман, Президент Фармонида назарда тутилган қўшимча дастурий чораларнинг амалиёти, жумладан, янги имтиёзлар ва преференцияларнинг кенг доираси, ҳар хил лицензия ва рухсат берувчи тартиб-таомилларнинг муддатларини тубдан қисқартириш, соддалаштириш ва арзонлаштириш кабилар хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, бизнесни юритиш, иқтисодиётга маҳаллий ва хорижий инвестицияларни жалб қилиш учун шарт-шароитларни янада яхшилашда муҳим босқич бўлиб хизмат қилинади.

Фармон ижросини таъминлашнинг аниқ механизмлари белгилаб берилган. Президент қарорида жорий йилнинг 1 июлидан бошлаб тадбиркорлик соҳасига дахлдор 22 турдаги рухсат бериш тартиботлари бекор қилинади, 21 турдаги лицензия ва рухсат бериш характериға эға хужжатларни расмийлаштириш муддатлари ўртача 2,1 мартаға қисқартирилади, 11 турдаги лицензияланадиган фаолият турларини расмийлаштириш учун ундириладиган йиғимлар миқдори ўртача 4 баробарға камайтирилади.

Бундан ташқари, 2015 йилнинг 1 январигача бўлган муддатда 19 турдаги лицензияланадиган фаолият турларини расмийлаштиришда “бир дарча” тамойилини қонун хужжатлари даражасида жорий этиш кўзда тутилган. Шу билан бирға, 2015 йилдан бошлаб тадбиркорлик субъектлари томонидан лицензия келишувлари шартларини бажариш бўйича даврий ҳисоботлар электрон шаклда тақдим этилади. Тадбиркорлик субъектлари энг кўп фойдаланадиган 23 турдаги давлат хизматлари Интерфаол давлат хизматлари ягона портали орқали электрон шаклга ўтказилади.


II-БОБ. ЎЗБЕКИСТОН ИҚТИСОДИЁТИГА ТЎҒРИДАН-ТЎҒРИ ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИ ЖАЛБ ЭТИШ АМАЛИЁТИ

2.1. Ўзбекистондаги инвестицион муҳит ва унинг таҳлили

Ўзбекистон Республикасида олиб борилаётган инвестицион сиёсатнинг мақсади иқтисодий фаолият иштирокчиларининг манфаатдорлигини ошириш, молиялаштириш манбалари тузилмасини такомиллаштириш ва хорижий шериклар билан ҳамкорликда қўшма корхоналар ташкил қилиш асосида мамлакатни тараққий эттиришдан иборат. Самарали инвестицион сиёсат, аввало, инвестиция жараёнларини давлат томонидан тартибга солиш ва қўллаб-қувватлашнинг самарали тизимини шакллантириш орқали барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашга хизмат қилиши лозим. Инвестицион сиёсат миллий ва хорижий инвесторларнинг хўжалик фаолиятини юритишлари учун қулай шарт-шароитлар яратиши керак. Бунда корхоналар ва аҳолининг инвестиция фаоллигини рағбатлантириш ҳамда республика иқтисодиётига хорижий капитални кенг жалб қилишга алоҳида эътибор қаратилиши зарур.

Мамлакатимизда инвестицион сиёсат ислохотларнинг дастлабки босқичида иқтисодиётда чуқур таркибий ўзгаришларни амалга оширишга йўналтирилган эди. Шу мақсадда ҳар йили Давлат инвестиция дастурлари ишлаб чиқилиб, улар амалга оширилмоқда. Мазкур дастурларга киритилган лойиҳаларнинг амалга оширилиши натижасида мамлакат ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш суръатларини барқарорлаштириш имконини берди (2.1.1-расм). 2008 йилда бошланиб, 5 йилгача давом этган жахон молиявий – иқтисодий инқирози шароитида ҳам Ўзбекистонда ЯИМ ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиш суръатлари 8%дан пастга тушмади.

Иқтисодиётни эркинлаштириш босқичида амалга оширилаётган инвестиция сиёсати мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ва стратегик мақсадларини белгилаш, Ўзбекистоннинг ҳалқаро иқтисодий ҳамжамиятдаги роли ва ўрнини аниқлаш имконини берди.



2.1.1-расм. Ўзбекистонда ялпи ички маҳсулотнинг ўсиши динамикаси (ўтган йилга нисбатан фоиз ҳисобида, 2014 йил кўрсаткичи прогноз ҳисоб-китоблари)¹¹

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозидан сўнг Ўзбекистонда ЯИМ ҳажми ўсиш суръати ўртача 8 %дан юқори бўлмоқда. ХВФ экспертларининг фикрига кўра 2014 йилда Ўзбекистон ЯИМи 8.1%га ўсиши прогноз қидинган.

Хорижий инвестициялар республика минтақалари иқтисодиётининг барқарор ривожланишида, иқтисодиётнинг таркибий тузилишини такомиллаштиришда, бозор ислохотларини муваффақиятли амалга оширишда муҳим ўрин тутди.

Жумладан, 2013 йилда мамлакат иқтисодиётига инвестиция киритиш ҳажми ЯИМга нисбатан 23 фоизга тенг бўлди. Шунингдек, ўтган йилда инвестиция дастурини амалга ошириш доирасида 13 млрд. доллар қийматидаги капитал қўйилмалар ўзлаштирилиб, унинг деярли ярмини (47 фоизи) хусусий инвестициялар – корхоналар ва аҳолининг шахсий маблағлари ташкил этди.

Шунингдек, 2013 йилда 2,7 млрд долларлик 150 та ишлаб чиқариш лойиҳаси тугатилди. Хусусан, Тошкент иссиқлик электр марказида

¹¹ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланган.

когенерацион газ турбинали технологияни жорий этиш; Жанубий Ўртабулок – Муборак газни қайта ишлаш заводи газ қувурини ва компрессор станциясини барпо этиш орқали Сомонтепа ва Жанубий Ўртабулок конларини тўлиқ жиҳозлаш; «Ангрен» конини модернизация қилиш орқали Янги Ангрен иссиқлик электр станциясининг энергия блокларини йил давомида кўмир билан ишлашга ўтказиш; «Ангрен» махсус индустриал зонаси ҳудудида «Оҳангарон» подстанциясини реконструкция қилиш, «Бекобод семент» очик аксиядорлик жамиятида янги линия қуриш ҳисобидан фаолият кўрсатаётган семент ишлаб чиқариш жараёнини модернизация қилиш, “Қуюв-механика заводи” шўъба корхонасида металл қуйишни реконструкция қилиш ва бошқа йирик лойиҳаларни айтиш мумкин.

Ислоҳотларнинг ҳозирги босқичида давлатнинг асосий вазифаси иқтисодиётга капитал қўйиш учун қулай бўлган иқтисодий-молиявий ва ташкилий-ҳуқуқий шароит яратишдан иборат.

Республикамиз иқтисодиётига киритилган инвестициялар ҳажмининг биргина 2013 йилдаги кўрсаткичларига эътибор қилсак, ушбу йилда Ўзбекистон иқтисодиётига 27557,3 млрд сўм миқдорида инвестициялар жалб қилинди ва ўсиш суръати 2012 йилга нисбатан 109,8 фоизни ташкил қилди. Жами инвестицияларнинг 53,1 фоизи корхона ва аҳоли маблағлари ҳисобига, 23,5 фоизи чет эл инвестиция ва кредитлари ҳисобига, 5,5 фоизи республика бюджети маблағлари ҳисобига, 6,9 фоизи бюджетдан ташқари фондлар ҳисобига, 11,0 фоизини эса банк кредитлари ҳисобига тўғри келди.

2005-2013 йиллар оралиғида асосий капиталга киритилган инвестициялар таркибида республика бюджети маблағлари улуши сезиларли даражада камайди. Аксинча, банк кредитлари ва бошқа қарз маблағлари ҳамда бюджетдан ташқари фонд маблағлари улуши ортиб бормоқда. Корхона ва аҳоли маблағлари эса барча йилларда ҳам асосий инвестиция ҳажмининг катта қисмини эгаллаб келмоқда (2.1.1 жалвал).

2.1.1-жадвал

Маблағ манбалари буйича асосий капиталга киритилган

инвестициялар таркиби, 2012 йил

	Жами инвестиция (фоизда)	Шу жумладан маблағ манбалари буйича умумий ҳажмига нисбатан фоизда				
		Республ. бюджети	Корхона ва аҳоли маблағлари	Банк кредит. ва бошқа қарз маблағлари	Чет эл инвест. ва кредитлар.	Бюджет. ташқари фондлар
2005	100,0	12,2	57,4	3,8	21,7	4,8
2006	100,0	10,4	60,2	4,1	18,5	6,8
2007	100,0	9,0	59,0	5,0	22,8	6,1
2008	100,0	8,9	54,4	5,0	25,5	6,2
2009	100,0	8,1	46,9	5,2	32,2	7,6
2010	100,0	4,5	49,4	8,4	26,1	11,6
2012	100,0	5,1	50,8	11,4	21,7	11,0
2013	100,0	5,5	53,1	11,0	23,5	6,9

Манба:

Инвестициялар орасида бевосита хорижий инвестициялар мамлакат иқтисодий қудратини оширишда муҳим рол ўйнайди. Ўзбекистонда ишлаб чиқариш кучларини замонавийлаштириш ва асосий воситаларини янгилаш, мавжуд саноат корхоналарини реконструкция қилиш учун йирик капитал қўйилмаларни сафарбар қилиш зарурияти мавжуд бўлган ҳозирги даврда кенг миқёсда хорижий инвестицияларни жалб қилиш стратегик мақсадларга қаратилган бўлиб, у давлат томонидан амалга оширилаётган сиёсатнинг муҳим йўналишларидан бири ҳисобланади.

Хорижий инвестицияларни миллий иқтисодиётга жалб этиш стратегияси бўлажак чет эллик инвесторларнинг манфаатларини ҳамда миллий иқтисодиётга зарар келтирмаган ҳолда уларнинг эҳтиёжларини қондириш имкониятларини ўрганишга асосланади. Бунинг учун, бир томондан, иқтисодиётни таркибан қайта қуришга қаратилган бир қатор аниқ лойиҳаларни амалга ошириш зарур бўлади ва иккинчи томондан, ички инвестиция ресурслари чекланган бир шароитда хорижий инвестицияларнинг аҳамияти жуда юқори баҳоланади.

2.1.2 жалвал

Минтақалар буйича асосий капиталга киритилган инвестициялар таркиби

	млрд. сўм				фоизда			
	2000	2005	2010	2012	2000	2005	2010	2012

Ўзбекистон	696,3	3012,9	18220,2	22067,0	100,0	100,0	100,0	100,0
Қорақалп.Рес	35,2	130,7	1331,8	1145,1	5,1	4,3	7,3	5,2
Вилоятлар:								
Андижон	34,5	108,9	438,3	1139,9	5,0	3,6	2,4	5,2
Бухоро	28,4	235	2344,8	2307,3	4,1	7,8	12,9	10,4
Жиззах	16,1	72,5	259,1	622,4	2,3	2,4	1,4	2,8
Қашқадарё	117,9	437,3	2543,8	2824,4	16,9	14,5	14,0	12,8
Навоий	44,8	214,4	814,0	1559,7	6,4	7,1	4,5	7,1
Наманган	38,5	108,8	529,9	728,0	5,5	3,6	2,9	3,3
Самарқанд	39,9	143,7	635,6	1356,6	5,7	4,8	3,5	6,1
Сурхондарё	23,4	156,6	573,7	807,9	3,4	5,2	3,1	3,7
Сирдарё	14,1	48,0	288,5	620,8	2,0	1,6	1,6	2,8
Тошкент	49,7	304,1	1498,3	1822,9	7,1	10,1	8,2	8,3
Фарғона	44,6	133,2	756,1	1382,1	6,4	4,4	4,1	6,3
Хоразм	23,6	56,3	299,3	657,4	3,4	1,9	1,6	3,0
Тошкент ш.	164,0	606,1	2586,0	5014,3	23,6	20,2	14,3	22,7
Тақсимланма- ган қисм					3,1	8,5	18,2	0,3

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари

Кейинги йилларда иқтисодиётга йўналтирилган инвестицияларни молиялаштиришнинг марказлашган ва марказлашмаган манбалари ўртасидаги нисбат ўзгарган. Хусусан, 2013 йилда марказлашган инвестициялар жами ҳажмининг 5504,8 млрд.сўмни ёки 20,0 фоизини, марказлашмаган инвестициялар эса 22052,5 млрд.сўмни ёки 80,0 фоизини ташкил этди¹².

Иқтисодиётга инвестицияларни жалб этишда сўнгги йилларда хорижий инвестиция ва кредитларнинг роли ошиб бормоқда. Жами инвестициялар таркибида корхона ва аҳоли маблағлари кўп улушни ташкил қилиши бу иқтисодиёт учун ижобий ҳолат ҳисобланади. Ва аксинча, агар умумий инвестициялар ҳажмида республика бюджетидан ажратилган маблағлар улуши юқори бўлса, унда мамлакат иқтисодиёти тўлалигича давлат бюджетига боғлиқ деб хулоса чиқариш мумкин.

2.1.2-жадвал

2000-2012 йилларда хорижий инвестицияларнинг
минтақалар бўйича тақсимланиши, (жамига нисбатан фоизда)

¹² Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика қўмитасининг 2013 йил учун маълумотлари.

Минтақалар	2000 йил	2005 йил	2012 йил
Ўзбекистон	100,0	100,0	100,0
Қорақалпоғистон Республикаси	2,7	4,5	7,9
Андижон	9,0	1,8	2,0
Бухоро	1,5	4,1	25,5
Жиззах	0,8	0,6	0,5
Қашқадарё	1,1	8,4	15,1
Навоий	1,6	9,5	8,7
Наманган	9,4	2,2	0,7
Самарқанд	9,8	2,3	1,1
Сурхондарё	0,5	1,1	2,2
Сирдарё	0,8	1,1	0,4
Тошкент	6,7	8,4	7,5
Фарғона	19,8	2,5	3,6
Хоразм	3,1	1,3	1,6
Тошкент шаҳри	33,3	41,9	23,2

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика қўмитаси маълумотлари

Республикада инвестициялар ҳажми минтақалар бўйича турлича тақсимланган. Чунончи, 2012 йилда асосий капиталга киритилган жами инвестициялар ҳажмининг 22,7 фоизи Тошкент шаҳрига тўғри келди. Шунингдек, катта кўрсаткич Қашқадарё (12,8%), Бухоро (10,5%), Тошкент (8,3%) ҳамда Навоий (7,1%) вилоятларига тўғри келади. Минтақалар орасида Хоразм (3%), Сирдарё (2,8%) ва Жиззах (2,8%) вилоятларига эса маблағ манбалари бўйича асосий капиталга киритилган инвестиция энг кам миқдорда жалб этилган. Бундай вазиятни деярли барча йилларда кузатилади.

Шунингдек, хорижий инвестицияларнинг минтақалар бўйича тақсимланишида ҳам ҳудудий тафовутлар мавжуд. 2000 - 2012 йилларда республикамизга киритилган хорижий инвестицияларининг минтақалар бўйича қай тарзда тақсимланганлиги қуйидаги жадвалда ўз аксини топган. 2012 йилда жами хорижий инвестицияларнинг 23,2 фоизи Тошкент шаҳри ҳиссасига тўғри келса, Бухоро вилоятига тўртдан бир қисмидан ортиғи (25,5%)), Қашқадарё вилоятига – 15,1% тўғри келган бўлса, Сирдарё (0,4%), Жиззах (0,5%), Наманган (0,7%), Хоразм (1,6%) вилоятларида жуда паст.

Хорижий капиталнинг миллий иқтисодиётга кириб келиши ташқи иқтисодий мунособатларнинг эркинлаштирилиши ва давлатнинг ташқи савдо сиёсати мустақиллик йилларида ташқи савдо ҳажмига тўғридан-тўғри таъсир кўрсатди. Кейинги йилларда ташқи савдо айланмаси таркиби такомиллашмоқда. Шунингдек, ташқи савдо сальдосида ижобий натижага эришилмоқда. Бу иқтисодиётга киритилаётган инвестицияларнинг ишлаб чиқаришнинг товар таркибини такомиллаштиришга олиб келаётганлиги билан изоҳланади. Бошқача қилиб айтганда, экспортга йўналтирилган ва импорт ўрнини қопловчи маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ўзлаштириш жараёни ташқи савдо таркибини ижобий томонга ўзгартирмоқда.

Республика ҳукуматининг бевосита хорижий инвестицияларни жалб этиш ва қўшма корхоналарни ривожлантиришга қаратилган сиёсати натижасида мустақиллик йилларида 12 млрд. АҚШ долларидан кўпроқ хорижий инвестициялар ва кредитлар миллий иқтисодиётга жалб қилинди.

Хорижий инвестицияларни иқтисодиётга жалб қилишнинг муҳим дастакларидан бўлган Давлат Инвестиция дастури ҳисобланади. Республика ҳукумати томонидан иқтисодиётни тубдан ва таркибан ўзгартиришни таъминлаш, корхона ва ташкилотларнинг инвестиция фаолиятини кучайтириш, шунингдек, иқтисодиётнинг устувор соҳаларига хорижий инвестицияларни кенг кўламда жалб этиш мақсадида ҳар йили ушбу дастур бўйича амалга ошириладиган ишлар белгилаб олинади.

Ўзбекистон Республикасининг инвестиция дастури унинг инвестиция сиёсати воситаси сифатида иқтисодиётни инвестициялашда жуда муҳим ҳужжат ҳисобланади. Бу дастур давлат кафолати остида жалб этиладиган хорижий инвестициялар ва кредитлари иштирокида амалга оширилиши режалаштирилган устувор инвестиция лойиҳалари рўйхатидан иборат. Бугунги кунда 40 да ортиқ мамлакат инвесторлари Ўзбекистон Давлат Инвестиция дастурида иштирок этмоқда.¹³

¹³ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 22 ноябрдаги 457-сонли қарори, -

Ҳозирги кунда эса мамлакатимизда хорижий инвестициялар иштирокида деярли 200 та инвестиция лойиҳаси ишлаб чиқилган ва амалиётда жорий этилмоқда. Уларнинг ҳажми 10 млрд. АҚШ долларидан ортиқдир. Айни пайтда Ўзбекистон инвестиция соҳасида шериклар доирасини кенгайтира бориб, уларни Ўзбекистон иқтисодиётини таркибан ўзгаришига, корхоналар ҳамда ишлаб чиқаришларни техника билан қайта қуроллантириш ва янгилашга жалб этмоқда.

Алоҳида таъкидлаш ўринлики, миллий иқтисодиётнинг таркибий тузилишини такомиллаштириш учун инвестициялашда халқаро молиявий муассасалар маблағларини жалб этиш ва уларнинг Давлат Инвестиция дастуридаги иштирокини таъминлашга эришилмоқда. Бунда халқаро ва нуфузли банклар республикамызда кредит линияларини очиш орқали мамлакатда кичик ва ўрта тадбиркорликни кичик қўйилмалар билан молиялаштириш орқали уларнинг иқтисодиётни ривожлантиришдаги иштирокини таъминлаш асосий йўналишлардан бири ҳисобланади. Давлат Инвестиция дастурининг амалга оширилиши юзасидан назорат Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан олиб борилади.

Хорижий инвесторлар билан қўшма корхоналар ташкил қилиш жаҳон бозорида рақобатлаша оладиган сифатли маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва уларни экспорт қилиш, юқори технология ва илм талаб қилувчи маҳсулотлар ишлаб чиқариш, экспортнинг интеллектуал мулк объектлари лицензияларини, инжиниринг ва лизинг соҳаларида хизматлар кўрсатиш каби турларини ривожлантириш, илмий ишланмаларга, хусусан, амалий фан ва технологиялар трансферти соҳасидаги илмий ишланмаларга бозор йўналишини қўллаб-қувватлашнинг самарали тизимини ишлаб чиқиш, инвестиция жараёнини давлат томонидан ва тижорат усулида қўллаб-қувватлашнинг энг мақбул йўллариини белгилаб олиш ҳамда илмий-техник ишланмаларни тижорат аҳамиятига молик натижалар даражасига етказиш, ўзбек олимлари ва мутахассисларининг чет элдаги институтлар, ташкилотлар ва фирмалар билан ҳамкорлигини кенгайтириш ва чуқурлаштириш, юқори

даражали маркетинг тадқиқотларини ўтказиш, хорижий бозорлар конъюнктурасини, қўшма корхоналар ташкил этиш кабилар бўйича ҳамкорлар қидириш юзасидан таҳлилий маълумотларни ўрганиш имкониятини беради.

Албатта, қўшма корхоналарнинг кўпайиши хорижий инвестиция оқимининг кучайишидан ва мамлакатда ишлаб чиқариш имкониятлари кенгайишидан далолат беради. Шунга кўра, хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар фаолияти ўтказилаётган инвестиция сиёсатининг самарадорлигини кўрсатади. Бугунги кунда мавжуд 4000 тадан ортиқ қўшма корхоналарнинг 80 фоиздан ортиғи фаолият кўрсатмоқда. Қўшма корхоналар фаолиятининг самарадорлигини кўрсатувчи муҳим кўрсаткичларидан бу уларнинг ишлаб чиқариш ҳажми, экспорт ва импорт кўрсаткичларидир¹⁴.

Минтақаларда хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар фаолиятида кескин ўзгаришлар рўй берди, инвестицион ресурсларни жалб этишда минтақалар бўйича нотекислик ва узлуксизлик мавжуд.

Жами экспортда минтақаларнинг улуши 2005-2012 йилларда салмоқли даражада ўзгарган. Масалан, таҳлил йилларида Андижон вилояти ва Тошкент шаҳрининг жами экспортдаги улуши сезиларли даражада ошган. Наманган ва Бухоро вилоятларида ҳам ўсиш тенденцияси кузатилган бўлсада, Навоий, Фарғона ва Тошкент вилоятларида аксинча пасайиш салмоғи кузатилган. Бу ўзгаришларга таъсир кўрсатган омилларнинг асосийлари экспорт бозорларининг етарли даражада ўзлаштирилмаганлиги, импорт ўрнини қопловчи юқори даражада ихтисослашув, корхоналар экспорт қувватларидан етарли даражада фойдаланмаслиги ҳисобланади.

Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарнинг импорт ҳажми бўйича минтақаларнинг салмоғи ҳам таҳлил даврида ўзгарган. Хусусан, шу йилларда Андижон, Қашқадарё ва Тошкент шаҳрининг жами импортдаги улуши ортиб, унга қарама-қарши ўлароқ, Сурхондарё, Сирдарё ва Хоразм вилоятларининг салмоғи камайган. Бу тенденциялар импорт ўрнини

¹⁴ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг маълумотлари.

қопловчи саноатлаштириш стратегиясида ҳудудларнинг ўрни ўзгараётганлигини ифодалайди.

Ўзбекистон иқтисодиётида чуқур таркибий ўзгаришлар амалга оширилмоқда. Бунинг негизини маҳаллий хом-ашёни қайта ишлаш ва жаҳон бозоридаги кескин рақобатга бардош бера оладиган маҳсулотлар тайёрлашга асосланган саноат тармоқларининг етакчи ўринга чиқиши ва хизмат кўрсатиш соҳаларининг тез суръатлар билан ривожланиши ташкил қилади.

Мустақиллик йилларида ялпи ички маҳсулот таркибида саноатнинг улуши 11 фоиздан 25 фоизга, хизмат кўрсатиш соҳаларининг улуши эса 18 фоиздан 42 фоизга ёки 2 баробардан зиёд ошди. Ушбу таркибий ўзгаришлар албатта кенг миқёсдаги инвестицион маблағларни талаб этади.

Бинобарин, республикамизда фаолият кўрсатаётган корхоналарни жадал модернизация қилиш ва техник қайта жиҳозлашни таъминлаш, юксак технологиялар асосида ишлайдиган автомобилсозлик ва газ-кимё, электр техникаси ва тўқимачилик, озиқ-овқат ва фармацевтика, ахборот ва телекоммуникациялар тармоғи ҳамда бошқа йўналишлардаги янги ва замонавий ишлаб чиқаришларни ташкил этишга қаратилган фаол инвестиция сиёсатини юритишга устувор аҳамият берилмоқда.

2.2. Тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг таркиби ва ривожланиш динамикаси

Инвестиция муҳити - бу мамлакатдаги инвестиция жараёнларига таъсир кўрсатувчи иқтисодий, сиёсий, меъёрий-ҳуқуқий, ижтимоий ва бошқа шарт-шароитлар мажмуидан иборат. Инвестиция муҳити табиий шарт-шароитлар, фойдали қазилмалар захиралари, ишчи кучи малакаси ва ўртача иш ҳақи даражаси, иқтисодий конъюнктура ҳолати, ички бозор сиғими, товарларни ташқи бозорда сотиш имкониятлари, кредит тизими ҳолати, солиққа тортиш даражаси, ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилманинг ривожланганлиги, хорижий капиталга нисбатан давлат сиёсати, унга

нисбатан имтиёзли шарт-шароитларнинг яратилганлиги каби омиллар орқали белгиланади. Мамлакатимиз мустақилликка эришганидан буён қулай инвестиция муҳитини яратиш давлатимиз иқтисодий сиёсатининг устувор йўналишларидан бири бўлиб келмоқда.

Инвестиция муҳитининг муҳим таркибий қисми давлатнинг қонунчилик базасидир. Ўзбекистонда давлат мустақиллиги қарор топган нисбатан қисқа давр мобайнида инвестиция соҳасида ишончли меъёрий-ҳуқуқий база яратилди.

Инвестиция фаолиятини тартибга солиш ва қўллаб-қувватлаш тизими кўп сонли қонунчилик-ҳуқуқий ва меъёрий ҳужжатлардан иборат бўлиб, қуйидагиларни ўз ичига олади: қонунлар ва мамлакат Президентининг фармонлари; қарорлари; республика ҳукумати қарорлари ва дастурлари; ижтимоий-иқтисодий ва илмий-техникавий ривожланишнинг комплекс ва давлат дастурлари; ҳукуматлараро шартномалар ва битимлар; вазирлик ва идораларнинг низомлари, йўриқномалари, стандартлари, қоидалари ва ҳоказо; ҳудудий бўғинлар ва ҳўжалик субъектлари доирасида амал қиладиган низомлар ҳамда уставлар ва ҳоказолар.

Мамлакатнинг инвестиция муҳитини шакллантирадиган омиллар комплекси қуйидаги жадвалда келтирилган.

2.2.1-жадвал

Мамлакатнинг инвестиция муҳити ва уни келтириб чиқарадиган омиллар¹⁵

Омиллар	Мазмуни
Иқтисодий ҳолат	Мамлакат тўлов балансининг ҳолати, валюта-пул тизими барқарорлиги, ташқи иқтисодий алоқаларнинг ривожланганлиги, ички бозор сиғимининг катталиги, инфляция даражаси, ЯИМ, саноат ва қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръатлари.
Ҳуқуқий база	Янги шароитларга мос келадиган, мамлакат ва унинг алоҳида тармоқларининг ижтимоий-иқтисодий ривожланишии бошқарадиган фармонлар, қарорлар, низомлар, йўриқномаларнинг мавжудлиги.
Табиий хом ашё ресурслари	Минерал, хом ашё, ёқилги-энергетика ва сув ресурслари захиралари, қишлоқ ҳўжалиги хомашёси

¹⁵ А.В.Вахабов ва бошқалар. Хорижий инвестициялар. Ўқув қўлланма. -Т.:2010. –Б 174.

	ишлаб чиқариш ҳажмлари.
Меҳнат ресурслари ва бандлик	Иқтисодий фаол аҳоли сони, банд аҳоли улуши, ишсизлик даражаси хизматчилар даромади даражаси, кадрларнинг малака даражаси.
Ишлаб чиқаришнинг техник базаси	Асосий ишлаб чиқариш фондлари, ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш даражаси, ускуналарнинг фойдаланиш муддати таркиби, асосий фондларининг эскириши даражаси.
Илмий-техника салоҳияти	Иқтисодиётни ривожлантиришга қаратилган инвестициялар, шу жумладан, хорижий инвестициялар ҳажмлари. Инвестиция таваккалчилик даражаси. Ишлаб чиқаришнинг техник жихозланиши, фан-техника ютуқларидан фойдаланиш ва ИТТКИ соҳасини ривожлантириш ҳолати, маҳсулотнинг фан сиғимкорлиги катта ва юқори технологик турларини ишлаб чиқариш.
Молия-кредит тизими	Солиқ ва кредит сиёсати, иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарининг фойдалилик ва рентабеллик даражаси. Нарх сиёсати ва нархни шакллантириш сиёсати.
Инфратузилма	Банк тизими ривожланиши ҳолати, транспорт, коммуникация хизматлари ва меҳмонхона хўжалиги соҳалари, товар ва фонд биржалари, маркетинг, консалтинг, аудиторлик хизматлари, суғурта соҳаси тармоғининг ишончлилиги.
Экологик вазият	Атроф-муҳитнинг ифлосланиш даражаси, радиацион фон, зарарли чиқиндилар.

Иқтисодиётдаги инвестиция муҳити, биринчи навбатда, мамлакатдаги иқтисодий барқарорлик билан белгиланади. Мамлакатда иқтисодий аҳволни таърифлайдиган асосий кўрсаткичлар (ЯИМ, саноат ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг ўсиши суръатлари, ташқи иқтисодий алоқаларнинг ривожланиши даражаси ва ҳоказолар) айни вақтда етарлича барқарор динамикага эга ва қулай инвестиция муҳитини шакллантиришда салмоқли кафолат ҳисобланади.

Инвестиция қабул қилувчи мамлакат ички бозори сиғимининг катталиги хорижий инвесторлар учун муҳим омил ҳисобланади. Таҳлиллар кўрсатишича, Ўзбекистоннинг ички бозори истеъмол товарлари билан ҳали тўлиқ тўйинтирилмаган, шу боис аҳоли ялпи талабининг сезиларли қисми импорт ҳисобига қондирилади.

Капитални ташқаридан жалб қилишга ёрдам берадиган омил хорижий тадбиркорларга инвестициялаш учун қулай муҳитни шакллантиришга кўмаклашадиган рағбатлар тизимини тақлиф қилишдир. Республика қонунчилиги томонидан мустақиллик йилларида қабул қилинган имтиёзлар ва рағбатлар етарли миқдорда бўлиб, инвесторлар фаолиятининг ҳамма жиҳатларини қамраб олган.

Ўзбекистон юқори технологик маҳсулотларни ишлаб чиқариш имконини берадиган етарлича ривожланган саноат ва илмий-техникавий салоҳиятга эга. Республикада кўп тармоқли саноат салоҳияти мавжудлиги туфайли автомобиллар, самолётлар, трансформаторлар ва аккумуляторлар, турли электротехника буюмлари, электроника, лифтлар, гидронасослар, тракторлар, пахта териш комбайнларининг янги модификациялари каби илмий тараққиётга асосланган маҳсулот турларини ишлаб чиқаришни ташкил қилишга эришилди.

Республиканинг хорижий инвесторлар учун юқори жозибадорлигининг яна бир муҳим омили бой ресурс базасининг мавжудлигидир.

Ўзбекистон Республикасида қулай инвестиция муҳитининг яратилгани боис қисқа муддатда йирик хорижий инвесторлар билан кенг кўламли инвестициялар бўйича шартномалар имзоланган. Ушбу шартномалар асосида автомобилсозлик, нефть-кимё, электроника тармоқлари вужудга келди. темир йўл вагонлари ишлаб чиқарадиган ва вертолётларни таъмирлайдиган, техник ойна, ип-газлама, турли хил тикувчилик буюмлари ва бошқа тур маҳсулотлар тайёрлайдиган корхоналар барпо этилди.

Энергетика, қора ва рангли металлургия, ёнилғи ва тўқимачилик саноати, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш тармоқлари каби иқтисодиётнинг етакчи соҳаларини техник модернизациялаш амалга оширилди. Хорижий инвестицияларнинг жалб қилиниши гўшт-сут маҳсулотлари, сабзавот ва меваларни қайта ишлашнинг моддий-техника базасини кескин янгилашга ёрдам берди.

Маҳаллий хом ашёни қайта ишлашни чуқурлаштириш, қайта ишловчи тармоқларнинг мамлакат саноат мажмуасидаги улушини кўпайтириш экспортнинг янги тузилмасини шакллантиради, унда салмоқли ўрин тайёр буюмлар ва чуқур қайта ишлаш даражасига етказилган маҳсулотлар эгаллаган.

Инвестиция муҳитини шакллантиришда инфратузилма бўғинларининг ривожланганлик даражаси, яъни хорижий капиталнинг оқиб келишига хизмат қилувчи, қўллаб-қувватловчи ташкилотларнинг мавжудлиги муҳим аҳамият касб этади.

Ўтиш иқтисодиёти мамлакатларида таркибий сиёсатни қуйидаги йўналишлар бўйича амалга ошириш мақсадга мувофиқдир¹⁶:

1. Иқтисодиётда технологик мультипликаторни ишга тушириш бўйича иқтисодий сиёсат олиб бориш. Масалан, Германияда фотоэлектроника тармоғини ривожлантириш бўйича махсус қонун қабул қилинган. Ушбу қонунга мувофиқ қурилиш компанияларига биноларнинг томини ёпишда фотоэлектрик қурилмалардан фойдаланиш мажбурияти юклатилган. Шу орқали Германияда электроника тармоғи маҳсулотларига талаб шакллантирилган ва ушбу соҳада инновация муаммоси ҳал этилган.

1. Илмий-тадқиқот ва тажриба конструкторлик ишлари (НИОКР), янги техникани ўзлаштириш ва кадрлар тайёрлаш бўйича барча харажатларни солиқлардан озод этиш. Бу фан сиғимкорлиги юқори техниканинг миллий ишланмалари ривожланишини рағбатлантиради.

2. Трансакцион секторлар, жумладан, молия сектори рентабеллигини пасайтиришга қўмаклашиш. Бу малакали кадрларнинг меҳнат унумдорлиги юқори тармоқлардан трансакцион секторларга оқиб ўтишининг олдини олади.

3. Яқин уч йил ичида газ, сув ва электр энергия билан таъминлаш соҳасида тарифлар барқарорлигини таъминлаш.

4. Давлат корпорациялари ўртасида рақобат муҳитини шакллантириш.

¹⁶ Сухарев О.С. Макроэкономика инноваций: мифы и реальности российского роста. // Бизнес и банки. № 23, (908), июнь 2008. С. 2.

Юқоридаги маълумотлардан кўринадики, ўтган йилда инвестицияларни жалб этиш борасида эришилган натижалар мамлакатимиздаги инвестиция муҳитининг янада яхшиланганлигидан, бу эса, ўз навбатида, иқтисодиётдаги муҳим таркибий ўзгаришларни изчил амалга ошириш имкониятининг кенгайганлигидан дарак беради.

Бозор муносабатларига ўтиш даврида мамлакатнинг иқтисодий мустақиллиги ва озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлайдиган асосий тармоқларни ривожлантириш устувор йўналиш деб белгиланди. Маблағлар, биринчи навбатда машинасозлик, ёқилги-энергетика комплекси тармоқлари, рангли металлургия, кимё саноати каби соҳаларга йўналтирилди, янги самарали тармоқ-автомобилсозликка асос солинди. Асосий тармоқлар билан бир қаторда, республика учун муҳим аҳамиятга эга бўлган ишлаб чиқариш комплекслари, енгил ва озиқ-овқат саноатлари ривожланди. Мамлакатнинг иқтисодий мустақиллигини янада мустаҳкамлаш учун транспорт ва телекоммуникация тизимлари шакллантирилмоқда ва улар ички алоқаларни ривожлантириш билан бирга яқин ва узоқ хориж мамлакатлари билан ташқи иқтисодий алоқаларни ҳам таъминламоқда.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, инвестиция сиёсатининг макродаражадаги бош мақсади қайта ишлаб чиқариш жараёнларини такомиллаштириш, мамлакат моддий-техникавий базасини мустаҳкамлаш, унинг иқтисодий салоҳиятини юксалтириш, умумиқтисодий тараққиётга эришишга (ялпи ички маҳсулот, ҳажмининг ўсиши, янги иш жойлари миқдорини кўпайтириш киритилган маблағлар самарадорлигини ошириш)га қаратилган инвестиция жараёнларининг давлат томонидан тартибга солиниши ва қўллаб-қувватланишининг таъсирчан тизимини яратишдир. Микродаражада у хўжалик субъектлари томонидан фойда (даромад) олиниши мақсадига бўйсундирилган.

Ушбу мақсадга мувофиқ давлат инвестицион сиёсатининг асосий вазифаларига қуйидагилар киради:

- инвестиция фаолиятини жонлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш;
- таркибий ўзгаришларни чуқурлаштиришга қаратилган мақсадли йўналтирилган сиёсат юритиш;
- маҳаллий маҳсулотларнинг жаҳонни бозоридаги рақобатбардошлигини таъминлаш ва мамлакатнинг экспорт салоҳиятини ошириш мақсадида устувор тармоқларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш;
- инвестиция лойиҳаларининг танлов асосида давлат томонидан молиялаштирилишини амалга ошириш;
- хорижий инвестицияларни жалб қилиш мақсадида «очиқ» иқтисодиёт сиёсатини олиб бориш;
- ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш;
- қурилиш материаллари ва пудрат ишлари бозорини ривожлантириш.

2.3. Тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг мамлакат иқтисодиётига таъсири (“Навоий” ЭИИЗ мисолида)

Мамлакатлар иқтисодиётини ривожлантиришнинг ноанъанавий усулларида бири иқтисодиётда эркин иқтисодий зоналарнинг фаолият юритишидир. Эркин иқтисодий зоналар - бу мамлакат ёки унинг бирор минтақаси иқтисодиётига хорижий инвестицияларни, биринчи галда, тўғридан-тўғри инвестицияларни фаол жалб этишнинг муҳим омилидир.

Мамлакатларнинг қайси бирида бўлмасин эркин иқтисодий зоналарнинг ташкил этилиши миллий иқтисодиёт учун муҳим аҳамиятга эга. У миллий иқтисодиётда, яъни иқтисодий ўсиш динамикаси ва баҳолаш тизимида, пул муомаласи ва эмиссиясида, олтин-валюта заҳиралари миқдорида, хорижий капитал қўйилмаларининг миқдорларида, валюта курсларининг ҳаракатларида, ташқи савдо ва тўлов баланси механизмларини ташкил этишда ўз таъсир доираси мавжудлигини намоён қилади. Ушбу таъсир доираси дастурларида ўзгарувчан иқтисодий дастаклар жумладан:

ички кредитлар, давлат секторидаги бюджет дефицети, халқаро резервлар ва ташқи қарзларни ҳисобга олиш ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Эркин иқтисодий зона хўжалик алоқаларини такомиллаштириш, иқтисодий ресурслардан оқилона фойдаланиш мақсадида товарлар, хизматлар, капиталлар ва меҳнат ресурсларининг эркин ҳаракати таъминланган яхлит бир макондир. Бу ҳудудда корхоналар, хусусий фирмалар, компаниялар учун соф рақобат шароитлари яратилади. Шунингдек, эркин иқтисодий зоналар ташкил қилишнинг муҳим сабабларидан яна бири шундаки, кўпинча давлат иқтисодиётини капитал оқими учун тўлиқ очишни, ўзига хос инвестиция оқимини ҳамма жойда ишлатишни истамайди. Шунинг учун ҳам махсус ҳудуд сифатида қисман очиклик ишлатилади. Эркин иқтисодий зона ҳажми жиҳатидан ўртача 0,01 кв.км.дан 330 кв.км.гача бўлган ҳудудларни қамраб олиши мумкин.

Бугунги кунда дунёнинг Хитой, АҚШ, Франция, Жанубий Корея, Ирландия, Мексика, Венгрия, Болгария каби давлатларида мамлакат ҳудудининг географик ва бошқа қулайликларидан келиб чиққан ҳолда эркин иқтисодий зоналар ташкил этилган. Жаҳон амалиётидан маълум бўлишича, эркин иқтисодий зоналар қуйидаги мақсадларга эришиш учун ташкил этилади:

- миллий иқтисодиётнинг халқаро меҳнат тақсимооти жараёнига чуқур интеграциялашувини таъминлаш ва рақобатбардош экспорт маҳсулотларини ишлаб чиқариш орқали валюта тушумларини кўпайтиришга эришиш. Агар мамлакатлар маълум сабабларга кўра хорижий тадбиркорлик капитали учун иқтисодиётнинг эркинлашувини таъминлай олмаса, унда эркин иқтисодий зоналар ташкил этиш орқали хорижий инвесторларга қулай инвестиция муҳитини яратиши мумкин;

- Эркин иқтисодий зона биринчи навбатда импорт ўрнини қопловчи маҳсулот ишлаб чиқариш, ички бозорни юқори сифатли маҳсулотлар билан тўлдириш учун ташкил этилади. Ушбу мақсадларга эришиш учун ҳудудда

хорижий капитал ёрдамида импорт ўрнини қопловчи ишлаб чиқариш барпо этилади;

- Эркин иқтисодий зонани махсус ташкил этишда халқаро меҳнат тақсимотида товар ишлаб чиқариш тармоқлари билан биргаликда туризм, маданият ва санатория-курорт соҳаларининг интеграциялашуви ҳам кўзда тутилади;

- Эркин иқтисодий зона ишлаб чиқаришга хорижий технологиялар ва миллий илмий-техник янгиликларини татбиқ этиш орқали бутун миллий иқтисодиётда ундан фойдаланишни назарда тутати;

- ривожланаётган мамлакатлар учун малакали кадрлар тайёрлаш ва ўқитишни назарда тутати;

- махсус иқтисодий ҳудудларни ташкил этиш бирор ҳудуд ёки соҳанинг иқтисодий ривожланишини рағбатлантиришни кўзда тутати;

- айрим мамлакатларда эркин иқтисодий ҳудуд иқтисодиётни модернизация қилишнинг минтакавий усули сифатида қаралади.

Эркин иқтисодий зоналарда иқтисодиётнинг ташқи дунёга очиқлиги кенг миқёсдадир. Бунда божхона, солиқ ва инвестиция режими ташқи ва ички инвестициялар учун қулайдир. Мамлакат ичидаги иқтисодий жараёнларни фаоллаштиришда фойдаланиш учун хорижий капитални жалб қилишдан ташқари саноат эркин иқтисодий зоналарнинг яна учта вазифаси: саноат экспортини рағбатлантириш ва у орқали валюта маблағларини жалб қилиш; бандлик даражасини ошириш; ҳудудларни хўжалик юритишнинг янги усулларини синаш майдонига ва миллий хўжалик ривожланишининг кутбига айлантириш каби вазифалардир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримовнинг 2008 йил 2 декабрда қабул қилинган «Навоий вилоятида эркин индустриал-иқтисодий зона ташкил этиш тўғрисида»ги Фармони Навоий вилоятининг ишлаб чиқариш саноат салоҳиятини янада ошириш, транспорт-транзит ва ижтимоий инфратузилмасини ривожлантириш, юқори технологияларни жорий этиш,

хорижий, айниқса тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб қилиш борасида янги имкониятларни очмоқда.

“Навоий” эркин индустриал-иқтисодий зонасининг фаолияти 30 йилга мўлжаллангани, бу муддат кейинчалик узайтирилиши мумкинлиги, зонада рўйхатдан ўтган хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг асосий йўналиши замонавий хорижий юқори унумли асбоб-ускуналар ва техника, технологик линиялар ва модуллар, инновацион технологияларни жорий этиш ҳисобига юқори технологияли, жаҳон бозорларида рақобатбардош маҳсулотларни кенг қўламда ишлаб чиқаришдан иборат. Шунингдек, ишлаб чиқарувчиларга алоҳида божхона, валюта ва солиқ режимлари қўлланиши, уларга қатор имтиёзлар берилиши белгиланган. Бу эса бугунги кунда кўплаб хорижлик ишбилармонларни қизиқишига сабаб бўлмоқда.

“Навоий” эркин индустриал-иқтисодий зонасида рўйхатдан ўтган хўжалик юритувчи субъектларга киритилган тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳажми қуйидаги тартибда бўлганда деярли барча солиқ ва мажбурий тўловлардан озод этилади:

- 3 миллион евродан 10 миллион еврогача-7 йилга;
- 10 миллион евродан 30 миллион еврогача-10 йилга. Кейинги 5 йил давомида фойда солиғи ва ягона солиқ тўлови ҳажми амалдаги ставкадан 50 фоиз миқдорида белгиланади;
- 30 миллион евродан ортиқ бўлганда-15 йилга. Кейинги 10 йил давомида фойда солиғи ва ягона солиқ тўлови ҳажми амалдаги ставкадан 50 фоиз миқдорида белгиланади.

“Навоий” эркин индустриал-иқтисодий зонасида рўйхатга олинган хўжалик юритувчи субъектлар эркин индустриал-иқтисодий зона фаолият кўрсатадиган бутун муддатга экспортга йўналтирилган маҳсулот ишлаб чиқариш мақсадида мамлакатга олиб келинаётган асбоб-ускуналар, шунингдек, хом ашё, материаллар ва бутловчи қисмлар божхона тўловларидан (божхона расмийлаштируви учун йиғимлардан ташқари) озод қилинади.

“Навоий” эркин индустриал-иқтисодий зонасини яратиш концепцияси қуйидаги тўртта блок-хабни синергия қилишга асосланади: транспорт-логистика, индустриал, инновацион, туристик ва маданий-рекреацион лойиҳани уч босқичда амалга ошириш режалаштирилган ва ҳар бир босқичда 500 гектаргача майдон ўзлаштирилади.

Ўзбекистоннинг ички бозорларида сотиш учун мўлжалланган маҳсулотни ишлаб чиқариш мақсадида мамлакатга олиб кириладиган хом ашё, материаллар ва бутловчи қисмлар учун божхона тўловлари, агар қонун ҳужжатларида бошқа имтиёзли тартиб кўзда тутилмаган бўлса, белгиланган ставкаларнинг 50 фоизи миқдорида (божхона расмийлаштируви учун йиғимлардан ташқари) ундирилади, бунда уларни тўлаш муддати 180 кунгача кечиктирилиши мумкин.

“Навоий” эркин индустриал-иқтисодий зонасида рўйхатдан ўтган хўжалик юритувчи субъектларга қуйидагилар рухсат этилади:

- ўртада тузилган шартномалар ҳамда контрактлар бўйича ҳисоб-китоб ва тўловларни ЭИИЗ ҳудудида хорижий валютада амалга ошириш;
- Ўзбекистон Республикаси резидентлари бўлган бошқа хўжалик юритувчи субъектлар томонидан етказиб берилган товарлар, бажарилган иш ва хизматларнинг ҳақини эркин алмаштириладиган валютада тўлаш;
- экспорт ва импорт қилинадиган товарлар учун ҳақ тўлаш ҳамда ҳисоб-китоб қилишнинг уларга қулай шартлари ва шаклларида фойдаланиш.

Ўзбекистонда эркин индустриал-иқтисодий зонани ташкил этиш учун айнан Навоий вилояти бежиз танланмаган. Сабаби, Навоий вилояти республикада саноат соҳасида катта салоҳиятга эга минтақа бўлиб унинг ҳудудида 20 дан ортиқ йирик саноат корхоналари фаолият юритади. Бу ерда мавжуд саноат корхоналарида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар жаҳоннинг 50 дан зиёд давлатларига экспорт қилинади. Қизилқумда нодир, қимматбаҳо металллар, фосфорит хом ашёсининг янги конлари ўзлаштирилаётганлиги, янги замонавий корхоналар қурилиб, ишга туширилаётгани ушбу минтақанинг ривожланиш тараққиёти йўлидан бораётганлигини билдиради.

Навоий аэропорти базасида эркин индустриал-иқтисодий зонани ташкил этиш, шунингдек, Навоий шаҳрида янги барпо этилган аэродромни халқаро оператор-Кореянинг «Кореан Эйр» компанияси бошқарувига бериш тўғрисидаги қарорнинг қабул қилиниши минтақа иқтисодиётига хорижий инвестицияларни жалб қилиш борасида янги имкониятларни очиб бермоқда.

Халқаро интермодал логистика марказининг ташкил этилиши ундан нафақат Жануби-Шарқий Осиёни Европа билан боғлайдиган қитъалараро транспорт-экспедиция узели сифатида фойдаланиш имконини беради. Айни пайтда у Навоий вилояти ва қўшни ҳудудларда янги, юксак технологияларга асосланган ишлаб чиқариш корхоналарини ташкил этиш учун зарур шароитлар яратади.

Навоий шаҳри аэропортининг тўлиқ реконструкция ва модернизация қилиниши натижасида халқаро андозаларга мос 4 километрдан кўпроқ учиш-қўниш йўлаги ҳамда замонавий бошқариш тизими бунёд этилди. Мураккаб об-ҳаво шароитида ҳам турли даражадаги оғирликдаги ҳаво кемаларини қабул қилиш ва учуриш имкониятлари яратилди.

Навоий аэропортидаги қитъалараро интермодал логистика маркази МДХ давлатлари орасида ягона бўлиб, бу ерда юкларни тезкорлик билан тушириш, ортиш, тақсимлаш, махсус омборларга жойлаштириш ишлари амалга оширилади. Осиёдан Европага, Европадан Осиёга жўнатиладиган юклар глобал юк ташиш тармоғининг муҳим бўғинига айланадиган ана шу марказдан ўтади.

«Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси Корея Республикасидан лизинг асосида 2 та «А 300-600 Ф» русумли юк самолётини харид қилиб, уларни логистика ихтиёрига бериши натижасида марказнинг салоҳияти янада ошди ва унинг учун жаҳондаги барча юк бозорларига йўл очилди. Янги ҳаво кемасининг ҳар бири 40 тоннагача юк билан 7 минг километр масофани узлуксиз босиб ўтиш имкониятига эга бўлди.

Навоий аэропортида халқаро қатновни амалга оширадиган барча замонавий самолётларга тезкор, юқори сифатли техник ва сервис хизмати

кўрсатиш учун кенг имкониятлар мавжуд. Шунингдек, қулай географик жойлашув юкларни Ўзбекистон орқали ташишда вақт ва ташиш харажатларини иқтисод қилиш имконини янада оширади. Жумладан, юклар Жануби-Шарқий Осиёдан Европага Дубай орқали эмас, балки Навоий орқали ташилса, масофа 1000 километрга, вақт эса 1,5 соатга қисқаради ва ҳар бир самолётдан 15 тонна ёқилғи тежаб қолинади.

“Навоий” эркин индустриал-иқтисодий зонасининг Европани Хитой билан боғлайдиган қисқа халқаро «Е 40» автомагистралига ва Марказий Осиё, МДХ, Жануби-Шарқий Осиё, Яқин Шарқ, Форс кўрфази мамлакатлари билан боғлайдиган темир йўлларга яқинлигидир. Юкларни автомобилларда Навоий орқали Хитой-Европа йўналиши бўйича ташиш Россия-Хитой йўналишига қараганда масофанинг 1000 километрга қисқаришига ва ҳар бир автомобилдан 800 долларгача транспорт харажатларининг тежалишига олиб келади.

2009 йилда «Кореан Эйр» компаниясидан миллий авиакомпаниямиз ижарага олган замонавий транспорт самолётлари билан ушбу аэропортдан халқаро йўналишлар бўйича 330 дан ортиқ рейс амалга оширилди ва қарийиб 8,5 минг тонна юк ташилди. Бу Навоий шаҳри аэропортини глобал логистика тармоғига интеграциялаш имконини берди. Минтақада халқаро транспорт логистика марказини ривожлантиришга доир ишлар давом этмоқда. Жумладан, 2010 йилда Навоий шаҳридаги аэропортда фойдаланишга топширилган “Навоий” халқаро интермодал логистика марказининг юк терминали орқали 50,1 минг тонна ёки 2009 йилга қараганда 3 баробар кўп юк ташилди. Ҳудудда умумий ҳажми 10 млрд. долларлик 50 та инвестицион лойиҳа амалга оширилди.

Кейинги 2-3 йил ичида “Навоий” эркин индустриал-иқтисодий зонасида 5,5 млрд. доллардан кам бўлмаган инвестицияларни жалб этиш орқали 100-120 та лойиҳа амалга оширилиши режалаштирилган. Мазкур лойиҳалар доирасида яратилган корхоналарнинг ишлаб чиқариш қуввати 7,5-

8 млрд. долларлик маҳсулот ишлаб чиқариш ва 5 млрд. долларгача экспорт қилиш имконини беради.

“Навоий” эркин индустриал-иқтисодий зонасида саноат корхоналарини ташкил этиш бўйича Жанубий Корея, Сингапур, Бирлашган Араб Амирликлари, Ҳиндистон, Туркия сингари хорижлик ҳамкорлар иштирокидаги умумий ҳажми 187 млн. АҚШ долларида зиёд 19 та битим имзоланган. Улардан 2 таси озиқ-овқат саноати, 7 таси электроника маҳсулотлари, 5 таси машинасозлик ва автомобиль қурилмалари, 2 таси фармацевтика саноати ва тиббиёт маҳсулотлари, 3 таси полимер (пластик) маҳсулотларини ишлаб чиқаришни ривожлантиришга йўналтирилган. Ушбу лойиҳалар тўлиқ ишга тушганидан сўнг йилига 375,5 млн. долларлик маҳсулот ишлаб чиқаради ва унинг қарийб ярмини экспорт қилади. 1795 та янги иш ўринлари вужудга келади.

Таъкидлаш жоизки, хорижда мазкур эркин иқтисодий-индустриал зонага қизиқиш кучайиб бормоқда. 2009 йилда корейлик ишбилармонлар билан умумий қиймати 500 миллион АҚШ долларида кўпроқ маблағли зонада нефт-газ, кимё, электротехника, машинасозлик, тоғ-кон металлургияси, фармацевтика, енгил саноат, қурилиш ва мебелсозлик соҳаларида фаолият юритувчи қўшма корхоналар ташкил этишга доир 35 та сармоявий лойиҳа бўйича келишувларга эришилди

2010 йилда “Навоий” ЭИИЗ ҳудудида хорижий инвесторлар билан эришилган битимлар доирасида 19 та инвестиция лойиҳасини амалга оширишга киришилди. Ана шу лойиҳалар доирасида жаҳон бозорида харидоргир бўлган замонавий маҳсулот ишлаб чиқарадиган 7 та корхона фойдаланишга топширилди.

2011 йилда “Навоий халқаро интермодал логистика маркази” орқали 50 минг тонна юк ташилди. Шунингдек, ушбу ҳудудда янги ташкил этилган корхоналарда спидометрлар, автомобиллар учун ўтказгичлар, компрессорлар, ракамли телевизион тюнерлар, энергияни тежайдиган лампалар, ёритиш ускуналари, диодли лампалар, модемлар, полиетилен ва

полипропилен кувурлар, косметика воситалари ҳамда тиббиёт маҳсулотлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Ўзбекистонда «Навоий» ЭИИЗнинг муваффақиятли фаолият юритиши ва унинг истиқболи учун қуйидаги омиллар мавжуд:

- турли хом ашё ресурсларининг мавжудлиги ва уларни 30 % дан кам бўлмаган маҳаллийлаштириш даражасида чуқур қайта ишлаш имконияти;
- ишлаб чиқарилган маҳсулотларни сотиш билан боғлиқ, йирик бозорларнинг мавжудлиги;
- транспорт инфратузилмасининг ривожланганлиги, меҳнат ресурслари захирасининг мавжудлиги;
- ҳудудда юқори технологияларни жалб этиш орқали диверсификацияланган экологик тоза саноат базасини шакллантириш имконияти ва ҳ.к.

Келгусида «Навоий» эркин индустриал-иқтисодий зонаси салоҳиятидан тўлиқ фойдаланишга катта эътибор қаратилмоқда. Мазкур зонада етакчи хорижий корхоналар билан ҳамкорликда автомобиль саноати учун бутловчи қисмлар, энг янги иситиш мосламалари, кимё ва нефть-кимё маҳсулотлари, маиший электроника ва алоқа воситалари ишлаб чиқариш бўйича ўнлаб юқори технологияга асосланган янги замонавий ишлаб чиқариш қувватларини ташкил этиш қўзда тутилган.

III-БОБ. ИҚТИСОДИЁТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ ШАРОИТИДА ТЎҒРИДАН-ТЎҒРИ ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИ ЖАЛБ ҚИЛИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛЛАРИ

3.1. Хорижий инвесторлар фаолиятини рағбатлантириш тизимини такомиллаштириш йўллари

Тўғридан тўғри хорижий инвестицияларни жалб этиш сиёсатидаги ўзгаришлар жаҳонда хорижий инвестицияларга нисбатан қабул қилинган тамойиллардан фойдаланиш, маъмурий амалиётларни имкон қадар соддалаштириш ва енгиллаштириш, инвестиция жойлашга оид устуворликларни қайта кўриб чиқилишини назарда тутди. Ўзбекистон тўғридан тўғри хорижий инвестицияларни кенг миқёсда бюджет орқали рағбатлантириш имконига эга эмас. Маблағлар чекланганлиги рағбатлаштириш услублари, маблағлар нима мақсадлар учун сарфланиши керак, тўғридан тўғри хорижий инвестициялар жалб этилишининг устувор йўналишлари, имтиёзлар кимга ва қандай шартларда берилиши масалаларининг аниқ ва равшан ҳал қилинишини талаб этади. Рағбатлантирувчи чоралар фақат қонунларга таяниши ва инвесторлар учун транспарент бўлиши шарт. Тўғридан тўғри хорижий инвестицияларни рағбатлантириш сиёсати ўрта муддатларга мўлжалланган бўлиши керак. Ушбу чораларнинг амалга оширилиши ички ва ташқи инвестицияларни жалб этиш учун зарур шарт-шароитнинг асоси яратилишига олиб келади.

Тўғридан тўғри хорижий инвестицияларни жалб этиш соҳасидаги сиёсат ҳалқаро миқёсда қабул қилинган бир қатор бош тамойилларга таяниши лозим. Бу йўналишдаги сиёсатнинг стратегик мақсади хорижий инвесторларга Ўзбекистон иқтисодиётига тўғридан тўғри хорижий инвестициялар кириб келиши учун қулай шарт-шароит таъминлайдиган миллий режим тақдим этишдан иборат бўлиши шарт. Бунинг учун солиқ, инвестиция ҳамда корпоратив қонунчиликни ўзгартириш бўйича узок

муддатли тайёргарлик ишлари олиб борилиши керак. Ўзбекистондаги хўжалик фаолияти юритишнинг миллий режими хорижий компаниялар учун мақбул келмаслиги мумкин. Шунинг учун хориждан маблағ жалб этиш зарурати ҳам қонунлар ёрдамида, ҳам ҳукуматнинг муайян инвесторлар билан махсус битимлари доирасида яратиладиган аниқ имтиёзлар ва кафолатлари тизимини яратиш эҳтиёжини пайдо қилади.

Халқаро миқёсда турли-туман имтиёзлар берилиши орқали хорижий инвестициялар учун рақобат кучайганлиги, шунингдек маҳаллий инвестиция иқлимининг номукаммаллигини инобатга олиб, Ўзбекистонда миллий режим тамойили хорижий инвесторлар учун имтиёз ва кафолатлар тизими билан тўлдирилиши лозим. Бундай имтиёзларнинг қўлланиши муваққат чора бўлиб, чекланган қўламда ишлатилиши лозим деб ҳисоблаймиз. Келгусида бундай имтиёзларни босқичма-босқич бекор қилиш асосий вазифалардан бири бўлиб қолиши шарт.

Ўрта ва узоқ муддатли истиқболда халқаро амалиётда қабул қилинган хорижий инвестицияларни ҳуқуқий тартибга солиш тамойилларига жиддий эътибор берилиши зарур. Бу ерда гап биринчи навбатда энг катта қулайлик берилган миллат тартиби ҳақида бориб, у бирор бир мамлакатлик инвесторларга нисбатан камситишга йўл қўйилмаслиги мақсадида кўпгина мамлакатлар томонидан инвесторларга тақдим этилади. Мавжуд миллий тартиб тўғридан тўғри хорижий инвестициялар жалб этиш учун мақбул бўлмаганлиги сабабли қонунчиликка энг ката қулайлик тартибини тақдим этиш қонидаси киритилиши керак. Бу хорижий инвесторлар учун маҳаллий иқтисодиёт жозибадорлигини оширишда жиддий ўрин тутиши мумкин. Шу билан бирга бундай тартиб икки томонлама солиқ солишни бекор қилишга оид тузилган битимлар билан боғлиқ равишда ажратиб олишни ҳам кўзда тутган бўлиши шарт. Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида тўғридан тўғри хорижий инвестицияларни амалга ошириш тартиби юқори транспарентлиги билан ажралиб туриши лозим. Транспарентлик тамойили хорижий инвесторлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи ҳуқуқий меъёрлар

очиқ-ойдин ва турли хил талқинларга имкон қолдирмайдиган бўлиши, бу меъёрларни қайта кўриб чиқиш жараёнлари ҳам очиқ-ойдин ва манфаатдор томонлар (шу жумладан хорижий компаниялар ҳам) муҳокама этилаётган масалалар юзасидан ўз нуқтаи назарини баён эта олиши имконини таъминлайдиган шароитда ўтказилиши шарт. Дунё тажрибасидан маълумки, мувофиқлаштириш ҳуқуқий тизимининг транспарентлиги - инвесторлар мамлакатдаги инвестиция фаолияти тартибининг жозибадорлигига баҳо берадиган асосий омиллардан биридир. Қонунчиликдаги тез-тез юз берадиган ўзгаришлар, қонунлар ва қонун ости ҳужжатлари орасидаги карама-қаршиликлар, улардаги қоидаларнинг турлича талқин этилиши, зарур ҳуқуқий ҳужжатларнинг йўқлиги ва уларни ишлаб чиқариш амалиётларининг етарли даражада эмаслиги инвесторларнинг қизиқишини чеклаб турувчи сабаблардандир.

«Хорижий инвестициялар тўғрисида»ги қонунда хорижий инвесторларнинг ривожланаётган иқтисодиётларга хос бўлган баъзи турдаги сиёсий таваккалчилик (хусусан, миллий валютани конвертациялашга вақтинчалик чекловлар жорий этиш) билан боғлиқ йўқотишлари ўрнини қоплаш кафолатлари келтирилмаган. Бундан ташқари, жойланган маблағ қиймати республикамиз миллий валютасида баҳоланиб, бу ҳолда ушбу баҳолаш «ички ва жаҳон нархлари асосида» амалга оширилаётганлиги билан боғлиқ қўшимча ноаниқлик юзага келади. Реквизиция ёки мусодара, шунингдек хорижий инвестиция иштирокидаги корхона фаолияти тўхтатилган шароитда хорижий инвесторларга тўланадиган товон миқдори айнан ана шу баҳолаш асосида аниқланади.

Шу билан бирга савдо билан боғлиқ инвестиция чоралари туфайли келиб чиққан талаблар қўлланишининг самарадорлигини синчиклаб таҳлил этиб чиқиш лозим. Мазкур талаб Бутунжаҳон савдо ташкилоти иштирокчи мамлакатларнинг қуйидаги чоралардан фойдаланишига йўл қўймайдиган битимларининг таркибий қисмидир:

- хорижий инвестиция иштирокидаги компания мезбон мамлакатда

ишлаб чиқарилган товарларни белгиланган ҳажмда ёки қийматли қисмларда сотиб олиши ёки фойдаланишини талаб этиш;

- хўжалик фаолияти мақсадидаги импорт товарларини сотиб олиш ёки фойдаланиш масаласини хорижий инвестиция иштирокидаги компания маҳсулотини белгиланган ҳажм ва қийматли қисмларда экспорт қилиш зарурати билан боғлаш талаби;

- хўжалик фаолияти мақсадидаги товарлар импортини хорижий инвестиция иштирокидаги компания ҳисобига келиб тушган валюта экспорт тушумлар ҳажмига боғлаш талаби.

Мазкур талаблар у ёки бу кўринишда қонун ва қонуности ҳужжатларида ўз аксини топгани сабабли, Ўзбекистон Республикаси ҳукумати келажакда Бутунжаҳон савдо ташкилотига аъзолигини кўзлаб музокаралардаги ўз нуқтаи назарига аниқлик киритиши шарт. Савдо билан боғлиқ чекловчи инвестиция чораларини давомийлиги 10 йилдан ортиқ бўлмаган ўтиш даври мобайнида босқичма-босқич бекор қилиш энг мақбул йўл.

Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунларига мувофиқ кўплаб фаолият турлари билан шуғулланиш учун лицензияга эга бўлиш шарт. Мисол учун, Хиндистонда саноат соҳасида лицензияга эга бўлиш шарти фақат 18 та «сезгир» тармоқ учун сақлаб қолинган бўлиб, Бирлашган Араб Амирликларида эса фақат 4 турдаги фаолият учун лицензия талаб этилади. Амалда лицензиялаш жараёни хорижий инвесторлар учун қўшимча юк ҳисобланиб, уларнинг фаолиятига жиддий тўсиқ бўлиши ҳам мумкин. Шу туфайли лицензиялашни талаб этадиган хўжалик фаолияти турларини қисқартириш лозим. Бу рўйхатда фақат тўғридан-тўғри давлат хавфсизлиги масаласига оид тармоқларгина қолиши керак. Тоғ-кон тармоқларида фақат ер остидан фойдаланганлик учун лицензия талаб этилиши лозим, чунки бу босқичда инвесторни муайян тармоққа киритиш ёки киритмаслик масаласини ҳал қилиш учун барча омиллар ҳисобга олинади. Қайта ишлаш саноатининг

аксарият тармоқларида эса хорижий инвестицияли компанияларни лицензиялаш бекор қилиниши керак.

Миллий иқтисодиётга катта ҳажмдаги инвестициялар жалб этишнинг зарур шартларидан бири хорижий инвесторлар Ўзбекистон ҳудудидаги фаолияти билан боғлиқ тартибга солишга тегишли ҳуқуқий меъёрларнинг самарали амалга ошишини таъминлашдан иборат. Ушбу масаланинг ҳал этилиши хорижий инвесторларга хўжалик фаолияти бўйича ҳамкорлари, кредиторлар бошқарув идоралари билан ўзаро мунозарали ҳолат юзага келганида одил ва холисона суд амалиётидан фойдаланишга оид муайян кафолатлар берилишини талаб этади.

Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги хорижий инвесторлар ҳуқуқларини ҳимоялашда кенг имкониятлар беради. «Хорижий инвесторлар ҳуқуқларини ҳимоялашнинг кафолат ва чоралари тўғрисида»ги Қонуннинг 10-моддаси хорижий инвестор иштирокидаги баҳслар Ўзбекистон Республикаси Хўжалик суди томонидан ёки халқаро шартномаларнинг (битим ва конвенциялар) қоида ва амалиётларига биноан арбитраж ҳакамлигида ҳал этилади. Хорижий инвесторларнинг уларнинг инвестиция фаолиятига боғлиқ бўлмаган мунозаралари, шартномада халқаро ҳуқуқ меъёрларига биноан баҳсни ҳал қилишнинг бошқа тартиби кўзда тутилган ҳоллардан ташқари, Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ ҳал этилади. Шу билан бирга Ўзбекистонда фаолият юритаётган хорижий инвесторлар иштирокидаги вазиятларни ҳал қилишнинг ҳуқуқий асосини такомиллаштиришни талаб этади. Бунинг учун хўжалик судлари мустақиллигини ошириш, уларда ишларни кўриб чиқиш механизминини такомиллаштириш, шунингдек, ҳакамлик судлари фаолиятини ривожлантириш лозим бўлади.

Кўпчилик мамлакатлар Эркин иқтисодий ҳудудлар (ёки уларга хос бўлган қатор хусусиятларга эга бўлган бошқа тизимлар) яратиб, улар зиммасига экспорт қилинаётган қайта ишлаш саноати маҳсулотларининг каттагина қисми тўғри келади. Аммо эркин иқтисодий ҳудудлар фаолияти

кўрсаткичлари бошқа чора-тадбирлар, хусусан экспортга маҳсулот чиқаришга ихтисослашган тўғридан тўғри хорижий инвестициялар жалб этиш ва улар сифатини ошириш учун зарур инфратузилма яратишга боғлиқдир. Бундай ҳудудлар Хитой, Малайзия, Филиппин ҳамда Сингапур каби давлатларда муваффақиятли фаолият кўрсатмоқда.

Шунингдек, сўнгги йилларда эркин иқтисодий ҳудудлар таърифи ҳамда уларни қўллаш усуллари ўзгариб бораётганлигини ҳам ёдда тутиш шарт. Охирги вақтда экспортга бўлган талаблар бирмунча бўшаши ва бу ички бозордаги сотиш ҳажмини кўпайтириш имконини берди. Ҳозирда ушбу ҳудудларда нисбатан кўпроқ маҳаллий компаниялар иш юритиб, ҳукуматлар хорижий филиаллар ва маҳаллий компаниялар ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлаш, маҳаллий ходимларни тайёрлаш ва техник ҳамда технологик инфратузилмани тараққий эттиришни рағбатлантиришга қаратилган ишларни амалга оширмоқда. Эркин иқтисодий ҳудудлардаги ишлаб чиқаришнинг тармоқларга ажралиши ҳам ўзгариб бораёпти. Авваллари уларда амалдаги имтиёзлар туфайли келган, паст технологияли қайта ишлаш саноатининг меҳнатталаб тармоқлари устунлик қилган бўлса, эндиликда электр ускуналари йиғиш, электрон саноатида лойиҳалаш каби янги соҳалар томон қадам ташланди. Бу каби жараёнлар, тадқиқотлар ва уларни амалиётга жорий этиш, экспорт субсидиялари соҳасидаги Бутунжаҳон савдо ташкилоти талаблари таъсирида тезлашиши кузатилмоқда.

Рағбатларни, айниқса эркин иқтисодий ҳудудлар нуқтаи назаридан қўллаш масаласи кўриб чиқилганида, улардан энг самаралиларини аниқлашгина эмас, балки халқаро меъёрий базага, яъни Бутунжаҳон савдо ташкилоти қоидаларига мувофиқлигини ҳам таъминлаш зарур. Бу жиҳатдан экспорт субсидияларининг ўрни алоҳида эътиборга молик.

Эркин иқтисодий ҳудудлар мамлакатларнинг экспортга ихтисослашган тўғридан тўғри хорижий инвестициялар жалб қилишда муҳим ўрин тутди. Улар ҳамон компанияларнинг экспорт маҳсулотини ушбу ҳудудларда билвосита солиқлар (масалан, сотиш солиқлари), чегара солиқлари (консул

йиғимлари) ва импорт божларидан озод қилиши мумкин. Шу сабаб туфайли бир қанча мамлакатлар, шу жумладан баъзи ривожланган мамлакатлар ҳам, ўз эркин иқтисодий ҳудудларини ҳудудий ишлаб чиқариш мажмуаларининг тараққиётига туртки берадиган омил вазифасини бажара оладиган саноат ёки илмий-техника паркларига айлантира бошляптилар.

Экспортга маҳсулот чиқаришга ихтисослашган хорижий капитал иштирокидаги корхоналарга нисбатан иқтисодий-сиёсат дастакларини танлаш мамлакат ривожланишининг умумий стратегиясига боғланиши лозим. Турли дастаклар муайян мақсадга йўлланса ва келишиб қўлланганида катта самара бериши маълум. Одатда ТМКлар экспорт мақсадларидаги тўғридан тўғри хорижий инвестицияларни жойлашнинг бир неча вариантини кўриб чиқар экан, инвестициялар жалб этишга ягона ёндашувни ишлаб чиқиш зарурати аён бўлиб қолади. Бироқ биринчи навбатда бундай ёндашувнинг асосий мақсади инвестиция жалб этиш имкониятларини ошириш бўлиб, бу мамлакатнинг тараққиёт йўлида ўзига хос вазифаларини адо этишга кўмаклашади. Бунинг учун бизнинг шароитимизда тўғридан тўғри хорижий инвестицияларнинг қайси тури ички инвестициялар билан алоқа ўрнатилишига кенгроқ имкон пайдо қилишини аниқлаб олиш зарур.

Мамлакатнинг аниқ фаолият турлари бўйича нисбий рақобатбардошлигини чуқур англаб етиш муҳим аҳамиятга эга. Жойнинг қулай ёки ноқулайлигига турли даражада баҳо берилиши мумкинлигига қарамай, фойдали маълумотни нисбатан арзон амалий ёндашув ёрдамида олиш мумкин. Бу ёндашув мавжуд савдо ҳамда саноат моделларини таҳлил этиш, инвесторлар (ички ва ташқи) билан маслаҳатлашув, қайси рақобатчи ҳудуд экспорт билан шуғулланади ва тўғридан тўғри хорижий инвестиция жалб этишда қандай натижаларга эришган, шу билан бирга экспортга ихтисослашган инвестиция жалб этишга кўмаклашадиган бошқа омиллар таҳлилига таянади. Бу каби баҳолаш бозорнинг иқтисодий, географик, демографик ва бошқа мезонларга асосланган нисбатан тор ихтисослашувининг асоси бўлиши мумкин.

Адресли ёндашувнинг яна бир муҳим элементи жойлашув ерини танлашни белгилаб берадиган корпоратив стратегиями синчиклаб таҳлил қилишдан иборат. Аксарият соҳаларда географик ва функционал ихтисослашувни ортганлигини ҳисобга олиб, мамлакатлар учун улар халқаро ишлаб чиқариш тизимлари билан алоқа ўрната оладиган ишлаб чиқариш «дарча»ларини аниқлаб олиш фойдадан ҳоли бўлмайди. Бундай ёндашув нақадар бир мақсадга йўлланган бўлса, инвесторлар эҳтиёжларини қондириш мақсадида инвестицияларни рағбатлантириш агентликларининг фаолиятини оптималлаштириш шунчалик осон кечади. Келгуси инвесторларни излаш жараёнида мамлакатда жойлашиб олган хориж компанияларининг филиаллари ўзига хос «маёқ» вазифасини ўтайди. Улар инвестиция имкониятлари мавжудлигининг «тирик» гувоҳи бўлиб, қўшимча инвестицияларни қаердан олиш кераклигига аниқлик киритиш мумкин. Уларнинг рақобатчилари ҳам, айниқса хорижий компанияларнинг ишлаб турган филиаллари етакчи ТМК лар билан боғлиқ бўлса, муҳим объектга айланишлари ҳам мумкин. Мезбон мамлакатдаги маҳаллий, шунингдек хорижий филиаллар занжирини ташкил этган компаниялар ҳам (масалан, харидор ёки етказиб берувчи сифатида) муҳим объектлардан ҳисобланади. Ишлаб турган компаниялар билан яқин алоқалар ўрнатиш уларнинг инвестиция стратегиясига оид ва қандай қилиб бу ўзаро «боғлиқ» компаниялар инвестиция ҳақида қарор қабул қилишлари тўғрисида фойдали маълумот олиш имконини беради.

Адресли ёндашув якка амалиёт эмас, балки ўзаро алоқаларни шакллантирадиган мунтазам билим тўплаб бориш жараёнидир. Ҳукумат «дарча»ли бозорларнинг кескин юзага келишининг муҳимлиги ва рақобат шарт-шароитлари ва корпоратив стратегиялар ўзгаргани сари ўз стратегиясини қайта кўриб чиқиши заруратини тушуниши керак. Масалан, бозорга кириб бориш имтиёзлари анча муҳим, бироқ улар аниқ режага таяниб, бу устунликнинг узоқ вақт сақланишини таъминлаши шарт.

Давлатнинг аралашуви билан боғлиқ фойдали жихатлардан имкон бор кадар фойдаланиб қолиш учун экспортга ихтисослашган тўғридан тўғри хорижий инвестицияларни рағбатлантириш мамлакат ривожланиши стратегиясининг узвий қисмига айланиши лозим.

Экспортга ихтисослашган фаолият турларини кенгайтириш ва уларнинг барқарорлигини таъминлаш учун хорижий филиаллар ва маҳаллий етказиб берувчилар ўртасидаги алоқаларни ривожлантириш керак. Экспортга ихтисослашган хорижий филиаллар, айниқса улар анклавлар ҳудудида иш юритганида, ўзининг эҳтиёт қисмлари ва хом ашёга бўлган эҳтиёжини тўлалигича ёки асосан импорт ҳисобига таъминлаб, маҳсулотни мамлакатимизда йиғади, сўнг ярим тайёр ёки тайёр маҳсулотни экспортга чиқаради. Айнан ана шу каби шароитда алоқаларни ривожлантириш сиёсатнинг узвий қисмига айланади. Хорижий филиаллар билан алоқалар маҳаллий компаниялар орасида касб-хунар кўникмалари, билим ва технологияларнинг ёйишнинг муҳим канали бўлиб хизмат қилади. Ҳамкор излаб топиш бўйича маълумот бериш ва хизмат кўрсатиш, хорижий филиалларнинг маҳаллий етказиб берувчилар технологик имкониятларини замонавийлаштириш дастурларидаги иштирокини рағбатлантириш, маҳаллий етказиб берувчиларнинг молиявий манбаларини кенгайтириш йўллари иқтисодий сиёсатнинг асосий дастакларидан ҳисобланади.

Худудий ишлаб чиқариш мажмуалари бир хил ёки ўхшаш фаолият билан шуғулланадиган компанияларнинг бирикиши оқибатида ўз ҳолича шаклланиши мумкин бўлса ҳам, уларни ҳукуматнинг стратегик аралашуви билан яратиш лозим. Тўғридан тўғри хорижий инвестицияларни жалб этишга асосланган мажмуаларни яратиш йўлидаги ҳаракатлар доирасида уч элементни ажратиб кўрсатиш шарт. Улардан биринчиси - инвестициялар ва тадбиркорликни рағбатлантириш жараёнидир. Бошқарув идоралари рақобат муҳитида фаолият юритувчи турли тармоқлар эҳтиёжларини билиб тушунишлари, худудий ишлаб чиқариш мажмуалари яратишда ва уларнинг фаолиятини таҳлил қилиб боришда ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

Ташкилий масалалар ушбу мураккаб жараённинг иккинчи элементи, деб кўрсатиш мумкин. Бир ҳудудда жамланишга мойилликни эркин иқтисодий ҳудудлар, саноат парклари ва бир ва бир неча тармоқларда амал қиладиган бошқа ихтисослашган объектларни барпо этиш ҳисобига рағбатлантириш мумкин. Метрология, стандартлар, синов ва сифат назорати масалалари билан шуғулланадиган ташкилотлар замонавий саноат фаолияти инфратузилмасини таъминлаб бориши лозим. Халқаро бозорларда сифат, аниқлик, йўл қўйиш каби стандартларига нисбатан қатъий талаблар қўйилгани сари уларнинг рақобатбардошликни мустаҳкамлашдаги роли тобора ортиб бормоқда. Бошқа шу турдаги муассасалар қаторига тадқиқотлар уюштириш, молиявий ресурсларга йўл очиш ва тадбиркорлик тармоқлари ва профессионал уюшмалар яратиш билан шуғулланадиган муассасаларни киритиш мумкин.

Учинчи элемент кадрлар тайёрлаш ва малака ошириш соҳасида мужассам бўлади. Кадрлар тайёрлаш ва ишчи ходимлар малакасини ошириш билимга таянган фаолият турлари учун ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Бундай интилишлар хорижий филиаллар ҳам иштирок этиши мумкин бўлган ихтисослашган марказлар яратишни кўзда тутди. Умуман, ушбу фаолият тури нақадар кўп билим талаб этса, ҳудудий ишлаб чиқариш мажмуалар учун малакали кадрлар жалб этиш шунчалик муҳим бўлиб боради.

М амлакатнинг қиёсий устувор жиҳатларини ривожлантириш бўйича доимий интилиш зарурати давлат идоралари олдида мураккаб вазифалар қўяди. У корпоратив стратегиялар ҳамда халқаро меъёр ва қоидалардаги ўзгаришлардаги ўзгаришларни ҳисобга олиб борадиган нисбатан мураккаб ва кенг қамровли ёндашувлар ишлаб чиқишни талаб этади. Бундам ташқари, маҳаллий яширин имкониятларни тараққий эттириш масалалари биринчи ўринга чиқиб, бу юксак даражали тўғридан тўғри хорижий инвестициялар жалб этишга кўмаклашиш билан чекланмай, балки мавжуд фаолият турларини замонавийлаштиришга ёрдам беради. Экспорт рақобатбардошлигини оширишнинг ривожланишга кўмаклашиш

имкониятларини ҳисобга олиш билан бирга иқтисодий сиёсатни амалга ошириш чоғида етарли даражада эркинликни сақлаб қолиш заруратини ҳам эътироф этиш керак.

3.2. Мамлакат иқтисодиётини юксалтиришда тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар жалб қилишни жадаллаштириш йўналишлари

Мамлакат иқтисодиётига тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар жалб этиш сиёсати халқаро миқёсда хорижий инвестицияларга нисбатан қабул қилинган тамойиллардан кенгроқ фойдаланиш, инвестиция фаолияти ва бизнес юритишга доир маъмурий талабларни имкон қадар енгиллаштириш ҳамда инвестициялашнинг устувор йўналишларини белгилаш нуқтаи назаридан келиб чиққан ҳолда шакллантирилиши мақсадга мувофиқдир. Маълумки, Ўзбекистон шароитида тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни кенг миқёсда давлат бюджет орқали фискаль воситалар ёрдамида рағбатлантириш имконияти чекланган. Шу боисдан, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар жалб этишнинг устувор йўналишлари ва инвестицияларни рағбатлаштириш услублари, имтиёзларни бериш шартлари каби масалалар аниқ ва равшан ҳал қилинишини лозим. Рағбатлантирувчи чоралар имкони бориचा қонунчилик ҳужжатларига таяниши ва инвесторлар учун транспарент, яъни очиқ-ойдин бўлиши талаб этилади. Тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни рағбатлантириш сиёсати ўрта муддатларга мўлжалланган кенг иқтисодий ривожланиш сиёсати билан мувофиқлаштирилган ҳолда ишлаб чиқилиши ва амалшга оширилиши лозим. Бунинг натижасида узоқ муддатга мўлжалланган ички ва ташқи инвестицияларни кенгроқ жалб этиш учун зарур шарт-шароитнинг иқтисодий ва рағбатлантирувчи асосини янада кучайтиришга имконият яратилади.

Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар жалб этиш соҳасидаги сиёсат халқаро миқёсда қабул қилинган бир қатор бош тамойилларга таяниши

лозим. Бу йўналишдаги сиёсатнинг стратегик мақсади хорижий инвесторларга Ўзбекистон иқтисодиётига инвестиция киритиш учун қулай шарт-шароит таъминлайдиган миллий режим тақдим этишдан иборат бўлиши шарт. Бунинг учун кенг қўламли солиқ, инвестиция ҳамда корпоратив қонунчилиқни ўзгартириш бўйича узоқ муддатли тайёргарлик ишлари олиб борилиши керак. Бугунги кун шароитларидан ҳамда ҳўжалик фаолияти юритишнинг амалиётидан келиб чиққан ҳолда, хориждан узоқ муддатли маблағларни жалб этиш ҳам қонунлар ёрдамида, ҳам ҳукуматнинг муайян инвесторлар билан махсус битимлари доирасида яратиладиган аниқ имтиёзлар ва кафолатлари тизимидан фойдаланишни тақозо этишини таъкидлаш ўринли.

Халқаро миқёсда турли-туман имтиёзлар берилиши орқали хорижий инвестициялар учун рақобат кучайганлиги, шунингдек республикадаги инвестиция муҳитининг хусусиятларини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикасида миллий режим тамойили хорижий инвесторлар учун имтиёз ва кафолатлар тизими билан тўлдирилиб бориши, мақсадга мувофиқ бўлади. Айни пайтда, бундай имтиёзларнинг қўлланиши муваққат чора сифатида баҳоланиб, уларни ишлатишнинг қўламлари аниқланиб олиниши лозим, деб ҳисоблаймиз. Келгусида бундай имтиёзлар босқичма-босқич бекор қилиниши мумкин.

Ўрта ва узоқ муддатли истиқболда халқаро амалиётда қабул қилинган хорижий инвестицияларни ҳуқуқий тартибга солиш тамойилларига жиддий эътибор берилиши талаб этилади. Бу ерда авваламбор хорижий инвесторлар учун миллий иқтисодиёт жозибадорлигини оширишга қаратилган инвестицияларни амалга ошириш ва бизнес юритишни тартибга соладиган ҳуқуқий – меъёрий асоснинг барқарорлиги ва транспарентлигини таъминлаш масаласи кўрилиши лозим. Халқаро амалиёт шундай далолат бермоқдаки, қонунчиликдаги тез-тез юз берадиган ўзгаришлар, қонунлар ва норматив ҳужжатлар ўртасидаги қарама-қаршилиқлар ва улардаги қоидаларнинг турлича талқин этилиши ва шу каби бошқа салбий ҳолатлар хорижий

инвесторларни жалб қилишда тўсиқ бўлиб турувчи омиллардан бири ҳисобланади. Транспарентлик тамойили хорижий инвесторлар фаолиятини тартибга солиб турувчи ҳуқуқий меъёрлар очиқ-ойдин ва турли хил талқинларга имкон қолдирмайдиган бўлиши, бу меъёрларни қайта кўриб чиқиш жараёнлари ҳам очиқ-ойдин ва манфаатдор томонлар, шу жумладан хорижий инвесторлар муҳокама этилаётган масалалар юзасидан ўз нуқтаи назарини баён эта олиш имконини таъминлайдиган шароитда ўтказилиши талаб этади.

Мавжуд қонунчилик ҳужжатларида хорижий инвесторларнинг ривожланаётган иқтисодиётларга хос бўлган баъзи таваккалчилик турлари билан боғлиқ йўқотишлари ўрнини қоплашга оид кафолатлар келтирилмаган. Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг “Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида”ги қонунида чет эллик инвесторлар учун инвестициялаш шарт-шароитларини ёмонлаштиришга олиб келувчи ҳолатлар келтирилган бўлиб, улар янги қонунларни қабул қилиниши, қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилиши кабилар билан чекланади. Бундан ташқари, инвестициялаш шарт-шароитларини ёмонлаштиришга олиб келувчи ҳолатлар юзага келганда, чет эллик инвесторлар зарарларини қоплаш ёки компенсация қилиш масалалари аниқлаштирилмаган.

Бизнинг фикримизча, инвестиция қилиш ва хўжалик фаолиятини юритишга доир қонунчиликни такомиллаштиришда қуйидаги жиҳатларга эътибор бериш лозим:

–мамлакат тўлов балансини тартибга солиш билан боғлиқ ҳолатлар вужудга келганда, хорижий инвесторлар учун даромад ва капитални қийинчиликларсиз олиб чиқиб кетиш имкониятини берувчи кафолатлар яратиш;

– Ўзбекистон Республикасининг бошқа мамлакатлар билан икки томонлама инвестицияларни рағбатлантириш ва инвесторларнинг

даромадларини икки қайта солиққа тортишнинг олдини олишга қаратилган битимлар сонини кўпайтириш.

Шу билан бирга халқаро иқтисодий интеграция жараёнлари жадаллашиб боргани сайин Жаҳон савдо ташкилоти (ЖСТ) келишувларининг айрим жиҳатларига алоҳида эътибор берилиши лозим. Шу ўринда, ЖСТнинг савдо билан боғлиқ инвестиция чоралари (Trade related investment measures) билан боғлиқ талабларнинг қўлланишини синчиклаб таҳлил этиш талаб этилади. Мазкур талаблар доирасида ЖСТга аъзо мамлакатлардан қуйидаги савдо билан боғлиқ инвестиция чораларидан фойдаланишига чекланишлар мавжуд:

1. Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналардан маҳаллий бозорда ишлаб чиқарилган товар ва хизматларни маълум бир белгиланган ҳажмда сотиб олиш ёки фойдаланишни талаб этиш;

2. Хўжалик юритиш мақсадида товар ва хизматларни импорт қилиш масаласини чет эл инвестициялари иштирокидаги компанияларнинг ўз маҳсулотини маълум бир белгиланган ҳажм ва қийматда экспорт қилиш зарурати билан боғлаш талаби;

3. Хўжалик юритиш мақсадида товар ва хизматларни импорт қилиш масаласини чет эл инвестициялари иштирокидаги компанияларнинг ўз маҳсулотини экспорт қилишдан келиб тушган хорижий валюта тушумлари ҳажмига боғлаш талаби.

Мазкур талаблар айримлари турли кўринишларда у ёки бу қонунчилик ва норматив ҳужжатларда ўз аксини топганлигини инобатга олган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси ҳукумати келажакда ЖСТга аъзолигини кўзлаб олиб борадиган музокараларда мазкур масалалар юзасидан ўзининг аниқ ва равшан позициясини белгилаб олиши лозим. Бошқа мамлакатлар тажрибасига асосланган ҳолда таъкидлаш ўринлики, савдо билан боғлиқ чекловчи инвестиция чораларини қўллаш муддатини 10 йил давомидаги ўтиш даври мобайнида босқичма-босқич бекор қилишга келишиш, мақбул йўл бўлар эди.

Миллий иқтисодиётга катта ҳажмдаги инвестициялар жалб этишнинг зарур шартларидан бири инвестиция ва тадбиркорлик фаолиятини тартибга солувчи тегишли ҳуқуқий меъёрларнинг амалиётда самарали ишлашини таъминлашдан иборат. Ушбу масала авваламбор чет эл инвесторлари учун хўжалик фаолияти бўйича ҳамкорлари, кредиторлар, бошқарув идоралари ва бошқа томонлар билан бизнес юритиш давомида юзага келиши мумкин бўлган турли мунозарали ҳолатлар ва келишмовчиликларни ҳал этишнинг ҳолисона ва самарали суд амалиётидан фойдаланишга оид муайян кафолатлар берилишини талаб этади.

Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги чет эл инвесторлари ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишнинг кенг имкониятларини беради. Хусусан, «Чет эл инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида»ги қонуннинг 10-моддасига биноан чет эллик инвестор иштирокидаги баҳслар Ўзбекистон Республикаси Хўжалик суди томонидан ёки халқаро шартномаларнинг (битим ва конвенциялар) қоида ва амалиётларига биноан арбитраж ҳакамлигида ҳал этилади. Шунингдек, инвестицияга оид низоларни ҳал этишда икки тараф ўзаро келишувга кўра бундай низони кўриб чиқувчи орган ва ҳакамлик судловини амалга оширувчи мамлакатни ўзлари аниқлашлари мумкин. Бу албатта чет эл инвесторлари учун мақбул ва қулай йўл ҳисобланади, лекин ўз навбатида маҳаллий ҳамкорлар низоларни ҳал этишнинг бундай усули сезиларли миқдордаги молиявий маблағларни сарфлашни талаб этади. Шунга қарамасдан, зарур ҳолларда Ўзбекистон Республикасида юзага келган тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни амалга ошириш билан боғлиқ низоларни ҳал қилиш учун халқаро арбитраждан фойдаланиш имкониятини кўриб чиқиш, мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Бундай чора чет эл инвесторларининг ишончини оширишга хизмат қилади. Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикасида фаолият юритаётган чет эл инвесторлари иштирокидаги келишмовчиликларни ҳал этишнинг ҳуқуқий асосларини ва уларни қўллашнинг амалий механизмларини янада такомиллаштириш лозим.

Бунинг учун хўжалик судларида чет эл инвестициялари билан боғлиқ ишларни кўриб чиқиш механизмини такомиллаштириш, шунингдек, ҳакамлик судлари фаолиятини ривожлантириш лозим бўлади.

Халқаро тажриба шуни кўрсатмоқдаки, чет эл инвестицияларини жалб этиш ва улардан миллий иқтисодиётни ривожланиш мақсадларида кенгрок фойдаланишда эркин иқтисодий ҳудудларни (ёки уларга хос бўлган қатор хусусиятларга эга бўлган бошқа тизимлар) яратиш қўл келиши мумкин. Бугунги кунда кўпгина ривожланаётган мамлакатларда бундай ҳудудлар зиммасига экспорт қилинаётган қайта ишлаш саноати маҳсулотларининг каттагина қисми тўғри келади. Шу билан бирга, бундай чора – тадбирлар самарадорлиги бошқа соҳалардаги ишлар, жумладан, экспортга маҳсулот чиқаришга ихтисослашган тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар жалб этиш ва улар сифатини ошириш учун зарур инфратузилма яратиш билан чамбарчас боғлиқдир. Бундай ҳудудлар Хитой, Ҳиндистон, Бангладеш, Малайзия, Филиппин ва Сингапур каби Осиёнинг кўплаб ривожланаётган давлатларида муваффақиятли фаолият кўрсатишмоқда.

Иқтисодий рағбатлантириш чораларини, айниқса ЭИХ нуқтаи назаридан қўллаш масаласи кўриб чиқилганида, уларнинг самарадорлиги билан бир қаторда халқаро меъёрий базага, яъни ЖСТ қоидаларига мувофиқлигини ҳам инобатга олишимиз лозим. Бу жиҳатдан экспорт субсидияларининг ўрни алоҳида эътиборга молик. ЖСТнинг субсидиялар ва компенсация чоралари бўйича битимининг VII иловасида санаб ўтилган аъзо-мамлакатлар (аниқроғи, шу иловада келтирилган ривожланаётган мамлакатлар ва аъзолар томонидан миллий даромад миқдори аҳоли жон бошига 1000 АҚШ доллари даражасига эришгунига қадар)дан фарқли ўлароқ, бошқа ривожланаётган аъзо мамлакатлар 2003 йилнинг 1 январидан экспорт субсидияларини бекор қилишлари талаб этилган.

ЭИХлар мамлакатга экспортга маҳсулот ишлаб чиқаришга йўналтирилган инвестицияларни жалб қилишда муҳим аҳамият касб этиши аниқ. Маълумки, ЭИХ жойлашган компаниялар томонидан экспорт учун

махсулот ишлаб чиқаришни турли солиқлар (масалан, махсулотларни сотишни қўшилган қиймат солиғидан озод этиш йўли билан) ва импорт божларидан озод қилиш (тайёр махсулот ишлаб чиқаришда ишлатиладиган хом ашё ва эҳтиёт қисмларни импорт қилишда акциз солиғи ёки импорт божидан озод қилиш орқали) воситасида рағбатлантириш мумкин. Шу боисдан, ЭИХларини ташкил этиш ва ривожлантириш билан бир вақтда бундай лойиҳаларни кейинги босқичларда республика минтақаларида ишлаб чиқариш мажмуаларини янада ривожлантиришнинг муҳим омили вазифасини бажарадиган саноат ва илмий-техника паркларига айлантириш масаласини кўриб чиқиш тавсия этилади.

Экспортга махсулот чиқаришга ихтисослашган чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналарга нисбатан иқтисодий сиёсат дастакларини танлаш мамлакат иқтисодий ривожланишининг умумий стратегиясига боғланиши лозим. Турли дастаклар муайян мақсадга йўлланган ҳолда қўлланилганда тегишли самара бериши маълум. Бизнинг фикримизча, экспортга йўналтирилган инвестицияларни жалб этишга қаратилган ягона ёндашувни ишлаб чиқиш зарур. Бундай ёндашувнинг асосий мақсади инвестиция жалб этиш имкониятларини ошириш бўлиб, бу мамлакатнинг иқтисодий тараққиёт йўлидаги бошқа мақсадларини амалга оширишга ҳам ўзига хос туртки вазифасини бажаришга қўмаклашади. Бунинг учун бизнинг шароитимизда тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг қайси турлари ва қайси соҳаларга киритилишини рағбатлантириш, шунингдек, ички инвестициялар билан кенг кооперация алоқаларини ўрнатилишига имконият яратувчи лойиҳаларни қўллаб - қувватлаш масалаларини ҳал этиш лозим.

Шу ўринда, миллий иқтисодиётнинг аниқ фаолият турлари бўйича нисбий рақобатбардошлигини чуқур англаб етиш муҳим аҳамиятга эга. Бу борада фойдали маълумотларни нисбатан арзон амалий ёндашув ёрдамида олиш мумкин. Бу ёндашув мавжуд савдо ҳамда саноат моделларини таҳлил этиш, инвесторлар (ички ва ташқи) билан маслаҳатлашув олиб бориш, бошқа мамлакатлар ёки минтақалар экспорт билан шуғулланувчи тўғридан-тўғри

хорижий инвестицияларни жалб этишда эришган натижаларни таҳлил этиш каби экспортга ихтисослашган инвестиция жалб этишга кўмаклашадиган омилларни баҳолашга асосланади. Бу каби баҳолаш бозорнинг иқтисодий, географик, демографик ва бошқа мезонларга асосланган нисбатан тор ихтисослашувининг асоси бўлиши мумкин.

Тармоқлар, маҳсулот ва хизматлар турларининг нисбий рақобатбардошлигини аниқлашнинг амалий усулларида бири экспорт таркибини таҳлил қилишдан иборатдир. Республика экспорти таркибини товарлар ва хизматлар миқёсида маълум бир давр мобайнида таҳлил этиш ёрдамида энг юқори ўсиш суръатларига эга бўлган маҳсулот ва хизматлар гуруҳларини аниқлаш мумкин. Бу эса албатта иқтисодиётда кузатилаётган тенденцияларни ва экспорт фаолиятидаги ўзгаришларни, товарлар ва соҳалар миқёсида нисбий рақобатбардошлик даражасини аниқлашга ёрдам беради.

Мақсадли ёндашувнинг яна бир муҳим қисми инвестицияларни жойлаштирилишини белгилаб берувчи ТМКларнинг корпоратив стратегиясини синчиклаб ўрганишдан иборат. Аксарият соҳаларда географик ва функционал ихтисослашув намоён бўлаётганлигини ҳисобга олиб, мамлакатимиз учун халқаро ишлаб чиқариш тизимлари билан кооперация алоқаларини ўрната оладиган ишлаб чиқариш «соҳа»ларини аниқлаб олиш фойдадан ҳоли бўлмайди. Бундай ёндашув аниқ мақсадларга йўналтирилган бўлса, инвестицияларни рағбатлантириш агентлигининг фаолиятини яхшилаш шунчалик осон кечади. Бўлғуси инвесторларни излаш жараёнида мамлакатда фаолият кўрсатаётган йирик чет эл компаниялари ва улар иштирокидаги корхоналар ўзига хос «сигнал» вазифасини ўтайди. Бундай корхоналар инвестиция имкониятлари мавжудлигининг «жонли» гувоҳи бўлиб, қўшимча инвестицияларни қаердан олиш кераклигига аниқлик киритиш мумкин. Мамлакатдаги чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналарнинг ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш занжирини ташкил этган компаниялар, яъни уларга хом ашё, ярим тайёр маҳсулот етказиб берувчилар ва уларнинг маҳсулотини харид қилувчи ёки сотувчи (жумладан,

дистрибьютор ва дилерлик вазифаларини бажарувчи) корхоналар фаолияти ҳам эътибор билан таҳлил этилиши лозим.

Экспортга ихтисослашган тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни рағбатлантириш мамлакат иқтисодий ривожланиш стратегиясининг узвий қисмига айланиши лозим. Шу мақсадда қўйидагиларга алоҳида эътибор бериш, мақсадга мувофиқ бўлар эди:

- чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналарнинг инсон ресурсларини ривожлантириш ва уларнинг малакасини оширишга қаратилган фаолиятини қўллаб қувватлаш. Жумладан, кадрларни малакасини ошириш ва уларни қайта ўқитишга сарфланадиган ҳаражатларни корхоналарнинг фойдасидан тўланадиган солиқни ҳисоблаш базасидан чиқариб ташлаш;

- инвестицияларни жалб этишни рағбатлантиришга хизмат қиладиган юқори сифатли инфратузилма, шу жумладан, тегишли минтақалар ва соҳаларда ЭИХ, саноат ва илмий-техника парклари барпо этиш масаласини кўриб чиқиш;

- миллий иқтисодиётнинг нисбий рақобатбардошликка эга тармоқлари ва соҳаларида инвестицион ва бизнес фаолиятини қўллаб қувватлаш мақсадида мазкур соҳалардаги миллий ишлаб чиқарувчи ва хизмат кўрсатувчи корхоналарга муайян мақсадларга йўналтирилган рағбатлар тизимини яратиш.

Сўнгги фикр айниқса муҳим аҳамият касб этади. Экспортга ихтисослашган фаолият турларини кенгайтириш ва уларнинг барқарорлигини таъминлаш учун чет эл компаниялари ва маҳаллий ишлаб чиқарувчилар ўртасидаги кооперация алоқаларини ривожлантириш керак. Экспортга ихтисослашган чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналар маълум бир чекланган корхоналар доирасида иш юритганида, ўзининг эҳтиёт қисмлари ва хом ашёга бўлган эҳтиёжини тўлалигича ёки асосан импорт ҳисобига таъминлаб, сўнг ярим тайёр ёки тайёр маҳсулотни ички бозорда ёки экспортга чиқаради. Айнан ана шу каби шароитда кооперация алоқаларини ривожлантириш иқтисодий сиёсатнинг узвий қисмига айланиши лозим. Чет

эл инвестициялари иштирокидаги корхоналар билан кооперация алоқаларини ўрнатиш маҳаллий фирма ва компаниялар орасида касб-хунар кўникмалари ҳамда махсус билим ва технологияларнинг ёйишнинг муҳим канали бўлиб хизмат қилади. Ҳамкор излаб топиш бўйича маълумот бериш ва хизмат кўрсатиш, чет эл инвесторларининг маҳаллий етказиб берувчи корхоналарнинг технологик имкониятларини кенгайтириш ва модернизация қилиш дастурларидаги иштирокини рағбатлантириш, миллий маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг молиявий манбаларини кенгайтириш инвестицион сиёсатнинг муҳим вазифалари ҳисобланади.

3.3.1– жадвал

Маҳаллий ишлаб чиқарувчилар билан хорижий ҳамкорлар ўртасида кооперацион алоқаларни рағбатлантириш чоратadbирлари

Маълумотлар бериш ва ҳамкорларни топишда ёрдам кўрсатиш	Технологияларни модернизациялашни рағбатлантириш	Молиялаштиришга оид рағбатлар
Маълумотларнинг доимий янгиланиб боровчи электрон базасини яратиш ва уни кенг бизнес вакиллари томонидан фойдаланиши учун имкониятлар бериш	Технологияларни беришни чет эл инвесторларига қўйиладиган асосий талаблардан бирига айлантириш	Маҳаллий маҳсулот етказиб берувчиларга молиялаштириш линиялари очаётган ТМК ва уларнинг филиаллари (шу жумладан, қўшма корхоналар) учун солиқ ва бошқа фискаль имтиёзлар тизимини яратиш
Мақсадли тармоқлар ва соҳалар бўйича семинар, кўргазма ва савдо миссияларини доимий равишда ташкиллаштириш	ТМКнинг бошқа филиаллари билан ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳасида ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйиш	Маҳаллий ишлаб чиқарувчилардан маҳсулот ва хизматлар оловчи ТМКлар (шу жумладан, қўшма корхоналар) учун билвосита молиялаштириш механизмларини яратиш
Чет эл фирмалари билан ишлашга доир ёрдам бериш, шу жумладан, савдо шартномалари ёки субподряд шартномалари асосида ҳамкорлик қилишга бўйича маслаҳатлар бериш	Ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳаларида илмий тадқиқотлар олиб боришда ҳамкорликни йўлга қўйишга қаратилган механизмларни яратиш	Маҳаллий ишлаб чиқарувчилар ва хизматлар кўрсатувчилар учун маҳсулотларни ташқи бозорларга чиқаришга қаратилган экспортни молиялаштириш (экспорт кредитлари ва импортерлар учун савдони молиялаштириш) механизмларини яратиш

Манба: БМТнинг материаллари ҳамда миллий қонунчилик ҳужжатлари асосида тузилган.

Миллий иқтисодиётнинг нисбий рақобатбардошликка эга бўлган соҳалари ва минтақаларида инвестицион фаолиятни рағбатлантириш чоралари қаторида ҳудудий ишлаб чиқариш мажмуаларини яратишга ҳам

эътибор берилиши лозим. Бундай мажмуалар бир хил ёки ўхшаш фаолият билан шуғулланадиган компанияларнинг саъй – ҳаракатлари натижасида ўз ҳолича шаклланиши мумкин бўлса ҳам, уларни ҳукуматнинг стратегик аралашуви билан яратиш ушбу жараёни тезлаштириши мумкин. Бизнинг фикримизча, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этишга асосланган мажмуаларни яратиш йўлида қуйидаги масалаларга алоҳида эътибор бериш лозим. Улардан биринчиси – инвестицион ва тадбиркорлик фаолиятини рағбатлантириш жараёни билан боғлиқ. Давлат бошқарув идоралари томонидан рақобат муҳитида фаолият юритувчи турли тармоқлар учун қулай инвестицион ва бизнес юритиш яратиш мақсадида уларнинг асосий талабларини аниқлаб олиш ҳудудий ишлаб чиқариш мажмуаларини яратиш ва уларнинг самарали фаолият юритишини таъминлашда ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Ушбу мураккаб жараённинг иккинчи жиҳати ташкилий масалалар билан боғлиқдир. Инвестицияларни маълум бир ҳудудда жойлашувини нисбий рақобатбардошликка эга бўлган соҳаларла ЭИХ, саноат ва илмий-техника паркларини барпо этиш ҳисобига рағбатлантириш мумкин. Халқаро бозорларда ишлаб чиқаришнинг техник ва сифат жиҳатларига бўлган юқори талабларни инобатга олиб метрология, стандартлаштириш, синов ва сифат назорати каби масалалар билан шуғулланадиган ташкилотларни ЭИХ, саноат ва илмий-техника парклари доирасида ташкил этиш ва уларни энг сўнгги, замонавий асбоб ва ускуналар билан жиҳозланишини таъминлаш лозим. Бундай замонавий инфратузилманинг таркибий қисмлари қаторида молиявий ресурслар ва хизматлар (банклар, суғурта ва лизинг компаниялари) ва экспортга хизмат қилувчи муассасалар (экспедиторлик, транспорт компаниялари, аудиторлик ва бошқа хизматлар кўрсатувчилар) фаолиятини ривожлантириш лозим. Ниҳоят, мамлакатнинг қиёсий устунликларини ривожлантириш бўйича доимий саъй ҳаракатлар олиб бориш зарурати давлат бошқарув идораларининг муҳим вазифаси, деб ҳисобланиши лозим. Бундай саъй - ҳаракатлар йирик инвестор-компанияларнинг корпоратив стратегиялари ва

халқаро меъёр ва қоидалардаги ўзгаришларни, шунингдек, миллий иқтисодиёт тармоқлари ривожланишини ҳисобга олиб борадиган кенг қамровли ёндашувни ишлаб чиқишни талаб этади.

ХУЛОСА

Бугунги кунда тўғридан- тўғри хорижий инвестицияларнинг миллий иқтисодиётга кўрсатаётган ижобий таъсирини янада кучайтириш чора тадбирларини амалиётга татбиқ этиш лозим. Ушбу мақсадда хорижий инвесторларни миллий иқтисодиётнинг ҳалқаро савдода рақобатга бардош берадиган тармоқларига жалб этиш, аҳолини иш билан таъминлашга хизмат қилувчи лойиҳаларни, маҳаллий бозорга хизмат қилишга мўлжалланган инвестициялар билан бир қаторда ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишнинг истиқболли соҳаларда кўпроқ экспортга йўналтирилган инвестицион лойиҳаларни амалга оширишни рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлашнинг бозор механизмларини такомиллаштириш зарур.

Хорижий инвестициялар ҳар қандай иқтисодиётни ҳаракатга келтирувчи ва унинг тараққиётини таъминловчи кучдир. Шунинг учун ҳам барча имкониятларни ишга солиб мамлакат иқтисодиётига йўналтирилган инвестициялар ҳажмини ошириш замон талабидир. Инвестиция фаолиятида асосий эътиборни ривожланиш даражаси паст бўлган минтақаларга қаратиш мақсадга мувофиқдир. Айнан мақсадли йўналтирилган инвестиция сиёсати мамлакат иқтисодий барқарорлигини таъминловчи асосий омил бўлиб хизмат қилади.

Тадқиқотлар натижасида хорижий инвестицияларни жалб қилиш ҳолати бўйича қуйидаги хулосаларга келиш мумкин.

1. Ўзбекистон иқтисодиётига хорижий инвестицияларни жалб қилиш учун зарур асосий шарт-шароитлар мавжуд ва уни чет эллик инвесторлар учун янада такомиллаштириш жараёни давом эттирилмоқда.

2. Ўзбекистонда иқтисодиётни таркибий қайта қуришни амалга оширишда инвестицияларни молиялаштиришнинг барча манбаларидан кенг қўламда фойдаланишга ҳаракат қилинмоқда.

3. Республиканинг иқтисодий, табиий ресурслар салоҳияти ва мавжуд ишлаб чиқариш ва ижтимоий ҳамда бозор инфратузилмаси шарт-шароитлари хорижий инвестицияларни жалб этишда тўла ҳисобга олиниши керак.

4. Иқтисодиётга хорижий инвестицияларни жалб этишда қулай инвестицион муҳитни яратиш билан бирга экспортга қаратилган маҳсулот ишлаб чиқарувчи қўшма корхоналарни устун даражада ташкил қилишга эришмоқ лозим. Бу мамлакатга валюта даромадлари киритиш ҳажмини оширади, иқтисодий ўсиш суръатларини жадаллаштиради. Импорт ўрнини босувчи маҳсулот ишлаб чиқарувчи қўшма корхоналар ташкил этилишининг иқтисодий барқарорликни таъминлашда таъсири ижобий бўлса ҳам, мамлакатнинг жаҳон бозоридаги мавқеини мустаҳкамлаш ва халқаро интеграциялашувни кучайтириш нуктаи назаридан етарли ҳисобланмайди.

Ислохотлар самарадорлигини оширишда Давлат Инвестиция дастури муҳим аҳамият касб этади ва уни амалга оширишда халқаро молия институтлари маблағларидан фойдаланиш натижасида ижобий натижаларга эришиш мумкин. Фикримизча истиқболда миллий иқтисодиётга тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилишни жадаллаштириш учун қуйидаги йўналишларда чора-тадбирлар амалга оширилиши мақсадга мувофиқдир:

1. Хорижий инвестицияларни жалб қилишда ички муҳитни яхшилаш, солиқ тизимини соддалаштириш, хорижий инвестицияларни рўйхатга олиш тизимини соддалаштириш.

2. Хорижий сармоядорни қизиқтирувчи соҳалар, объектларни аниқлаш ва улар тўғрисидаги маълумотлар мажмуини шакллантириш, бизнес режалар ва уларни иқтисодий ривожлантириш лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва иқтисодий жиҳатдан манфаатли бўлган соҳаларга чет эл капиталини жалб қилиш.

3. Экспортда қайта ишланган, тайёр маҳсулотлар салмоғини кўпайтириш, айниқса, пахта ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларни қайта ишлашни ошириш ва бу соҳага хорижий инвестицияларни кенг жалб қилиш.

4. Импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ҳамда ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришни ривожлантириш учун йирик ишлаб чиқарувчи корхоналар билан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналари билан самарали алоқасини таъминлаш зарур, яъни йирик корхоналарга ярим тайёр маҳсулотлар, бутловчи қисмларни етказиб берувчилари бўлишлари зарур.

5. Чет эл инвесторлари учун қулай инвестицион муҳитни яратиб бериш ва улар учун кафолатли қонунчилик тизимини такомиллаштириш;

6. Олий ўқув юртлари замирида Технопарк ва Техно инновацион паркларни ташкил қилиш. Чунки, улар орқали илм соҳасида эришилаётган ютуқларни амалиётга татбиқ этилиши тезлашади.

7. Экспортга ишлайдиган кичик ва ўрта корхоналарни кўпайтириш ва уларни самарали фаолият юритишлари учун етарли шарт-шароитлар яратиш ва давлат томонидан имтиёзли кредит линиялари ҳажмини ошириш

8. ТТХИларни жалб қилишга тармоқлар, маҳсулотлар гуруҳлари ва компаниялар даражасида мақсадли ёндашувни шакллантириш лозим. ТТХИларни жалб қилишда трансмиллий корпорациялар ва йирик компанияларнинг корпоратив ривожланиш стратегияси, уларга хос бўлган устунликлар ва миллий иқтисодиётнинг қиёсий афзалликлари мунтазам таҳлил ва мониторинг қилиб борилиши мақсадга мувофиқ.

9. ТТХИларнинг миллий иқтисодиётга кўрсатадиган ижобий таъсирини янада кучайтириш чора-тадбирларини амалиётга татбиқ этиш лозим. Ушбу мақсадда хорижий инвесторларни миллий иқтисодиётнинг халқаро савдода рақобатга бардош берадиган тармоқларига жалб этиш, аҳолини иш билан таъминлашга хизмат қилувчи лойиҳаларни, маҳаллий бозорга хизмат қилишга мўлжалланган инвестициялар билан бир қаторда ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишнинг истиқболли соҳаларида кўпроқ экспортга йўналтирилган инвестицион лойиҳаларни амалга оширишни рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлашнинг бозор механизмларини такомиллаштириш зарур.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

I. Ўзбекистон Республикаси қонунлари.

- 1.1. Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 30 апрелда қабул қилинган «Чет эл инвестициялари тўғрисида»ги қонуни;
- 1.2. Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 30 апрелда қабул қилинган «Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни химоя қилиш чоралари тўғрисида»ги қонуни;
- 1.3. Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 24 декабрда қабул қилинган «Инвестицион фаолият тўғрисида»ги қонуни;
- 1.4. Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 11 декабрда қабул қилинган «Валютани тартибга солиш тўғрисида»ги қонуни.
- 1.5. Ўзбекистон Республикаси Бюджет Кодекси. 2013 йил 25 декабр ЎРҚ-360.

II. Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва қарорлари. Вазирлар маҳкамаси қарорлари.

- 2.1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1996 йил 30 ноябрда қабул қилинган “Чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналарга берилаётган қўшимча рағбат ва имтиёзлар тўғрисидаги” ПФ-1652 сонли Фармони;
- 2.2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1997 йил 26 августда қабул қилинган “Хорижий сармоялари бўлган корхоналар ишлаб чиқарадиган маҳсулот экспортини рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-1831 сонли Фармони;
- 2.3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 9 февралда қабул қилинган “Хорижий инвестициялар иштирокидаги лойиҳаларни амалга ошириш механизмини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-1924-сонли Фармони;

2.4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 11 апрелда қабул қилинган "Тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни жалб этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПФ-3594 сонли фармони.

2.5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 12 июлда қабул қилинган ПК 670 - сонли қарори.

2.6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 апрель куни "Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар жалб этилишини рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПФ-4434-сонли Фармони

2.7. "Ўзбекистон Республикасининг 2014 йилги Инвестиция дастури тўғрисида"ги Президент Қарори

2.8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 7 апрелдаги "Ўзбекистон Республикасида инвестиция иқлими ва ишбилармонлик муҳитини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони

2.9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг 1999 йил 22 июнда қабул қилинган "Давлат мулкани хорижий инвесторларга сотиш бўйича тендер савдолари ўтказувчи Давлат комиссияси тўғрисида"ги 309-сонли қарори;

2.10. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг 2003 йил 2 майда қабул қилинган "Тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни ҳуқуқий ҳимоя қилишни кучайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги 205-сонли қарори;

2.11. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг 2004 йил 9 февралда қабул қилинган "Устувор инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун хорижий инвестицияларни жалб этиш механизмини такомиллаштириш тўғрисида"ги 58-сонли қарори.

III. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов асарлари.

3.12. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиклол ва тараққиёт йўли. – Тошкент: Ўзбекистон, 1992. – 78 б.

3.13. Каримов И.А. Ўзбекистон: иқтисодий сиёсатнинг устивор йўналишлари. – Тошкент: Ўзбекистон, 1993й. –256 б.

3.14. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиклол, иқтисод, сиёсат, мафкура. – Тошкент: Ўзбекистон, 1993й. –261 б.

3.15. Каримов И.А. Узбекистан – собственная модель перехода на рыночные отношения. Ташкент: Узбекистан, 1993. - С 9.

3.16. Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. – Тошкент: Ўзбекистон, 1995. – 269 б.

3.17. Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. – Тошкент: Ўзбекистон, 1998. – 686 б.

3.18. Каримов И.А. Озод ва обод ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. – Тошкент: Ўзбекистон, 2000 – 112 б.

3.19. Каримов И.А. Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. - Тошкент: Ўзбекистон, 2001. - 253 б.

3.20. Каримов И.А. Банк тизими, пул муомаласи, кредит, инвестиция ва молиявий барқарорлик тўғрисида. - Тошкент: Ўзбекистон, 2005. - 528 б.

3.21. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустақил тараққиёт йўли. Тошкент: Ўзбекистон, 2007.– Б.39.

3.22. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. Т.: 2009. 28 б.

3.23. Каримов И.А. Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш – устувор мақсадимиздир. -Т.: 2010.

3.24. Каримов И.А. Барча режа ва дастурларимиз Ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади. -Т.: 2011.

3.25. Каримов И.А. 2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2013 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор

йўналишларга бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. Халқ сўзи № 14. 19.01.2013 й.

3.26. Каримов И.А. 2013 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2014 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларга бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. Халқ сўзи № 15. 18.01.2014 й.

IV. Асосий адабиётлар

4.27. Moran T.H. Foreign direct investment and development: the new policy agenda for developing countries and economies in transition. – Washington: Institute of international economics, 1998. – 191 pages.

4.28. Benchmark definition of foreign direct investments. – Paris: OECD Publications, 1999. - 8 p.

4.29. Balance of payments manual. – Washington: IMF publications, 2003 – 93 p.

4.30. Тожибоева Д. Иқтисодиёт назарияси. - Тошкент.: Шарқ, 2003. - 79 б.

4.31. Томанн Х. Прямые иностранные инвестиции в переходный период экономики. – Берлин, 2004. – с.6.

4.32. Вахабов А., Ёлмасов А., Иқтисодиёт назарияси. - Тошкент: Ўзбекистон, 2005. - 480 б.

4.33. Кузиева Н. Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар молия ва кредит механизмини такомиллаштириш йўллари. Монография. Т.: 2006. 296 б.

4.34. Вахабов А.В., Хажибакиев Ш.Х., Муминов Н.Г. Хорижий инвестициялар. Ўқув қўлланма.; и.ф.д., профессор А.В. Вахабовнинг умумий таҳрири остида. - Т.: “Молия”, 2010. - 328 б.

4.35. Вахабов А.В., Хажибакиев Ш.Х., Иностранные инвестиции и модернизация национальной экономики. Учебное пособие. - Т.: 2011. - 224 б.

V. Диссертациялар ва диссертация авторефератлари.

5.36. Рустамова Д.Д. Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида хорижий инвестицияларни жалб этишнинг назарий асослари ва устувор йўналишлари: Иқт. фан. номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. – Тошкент: 2006. – 23 б.;

5.37. Эргашева Л.Ғ. Совершенствование использования маркетинга в развитии имущественного страхования: Иқтисод фанлари номзоди диссертацияси. – Тошкент: Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси, 2006. – 180 б.;

5.38. Каримов Н.Г. Иқтисодий интеграциялашув шароитида инвестицияларни молиялаштиришнинг бозор механизмларини жорий этиш муаммолари: Иқт. фан. доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. – Тошкент: 2007. – 40 б.

5.39. Обломуродов Н. Тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилишнинг назарий асослари ва устувор йўналишлари // Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. Т.:2007.

VI. Журнал ва газеталарда чоп этилган мақолалар

6.40. Vernon R. International trade and international investment in the product cycle // The quarterly journal of economics. – Harvard, 1966. – Volume 83. No.1. – pp. 190-207;

6.41. Lankes H.P., Venables A.J. Foreign direct investment in economic transition: the changing pattern of investments // The economics of transition. - London, 1996. – Volume 4, No. 2. - pp. 331–347;

6.42. Мустафакулов Ш., Муродуллаев Н. Мамлакатимиз иқтисодиётини модернизациялашда кенг қўламли инвестиция сиёсати // Биржа-эксперт. №1(73)-2014.

6.43. Айтмуратова У., Матсалаев Э.. Миллий иқтисодиёт барқарорлигини таъминлашда хорижий инвестицияларнинг ўрни // Биржа-эксперт.№1(73)-2014.

6.44. Валиев Б. Тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг таснифланиши ва уларга оид асосий назарияларнинг келиб чиқиши // Биржа-эксперт №2(74)-2014.

6.45.Муродалиева Г.Иқтисодиётдаги эркинлик // Биржа-эксперт №2(74)-2014.

VII. Илмий ишлар тўпламлари

7.46. World Investment Report: UNCTAD. – Geneva, 2006. - 77 pp;

7.47. Transition Report: European Bank for Reconstruction and Development. – London, 1998-2004;

7.48. World investment report: UNCTAD. – Geneva, 2007. - 84 pp;

7.49. World investment report: UNCTAD. – Geneva, 2008. - 96 pp;

7.50. World investment report: UNCTAD. – Geneva, 2009. - 86 pp;

7.51. Transition Report Update: European Bank for Reconstruction and Development. – London, 2007. – 71 pp;

7.52. Trade and development report: UNCTAD. – Geneva, 2013. - 186 pp;

7.53. Handbook of statistics: UNCTAD. – New York and Geneva, 2013. - 522 pp;

Интернет сайтлари:

8.54. www.ziyonet.uz

8.55. www.minecon.uz

8.56. www.mfer.uz

8.57. www.mf.uz

8.58. www.gov.uz

8.59. www.uzinfoinvest.uz

8.60. www.press-service.uz